

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 894.375

ББК: 83.3(5)

Б-14

Забихуллаев Нуриддин Хусниддин ўғли

**АРАБЧА ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР ТАРЖИМАСИДА ШАКЛ ВА
МАЗМУН БИРЛИГИ (ЎРТА АСР МАНБАЛАРИ АСОСИДА)**

Мутахассислиги: 5А 220601- Таржима назарияси ва амалиёти

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: фил.ф.д.,
проф. **З. Исломов**

Тошкент – 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-8
I-БОБ. Маҳмуд Замахшарийнинг ҳикматли сўзлар жанрида тутган ўрни.....	9-26
1.1. Араб тилида ҳикматли сўзлар жанри.....	9-15
1.2. Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди.....	15-21
1.3. Маҳмуд Замахшарийнинг ҳикматли сўзларга оид асарлари.....	21-26
II-БОБ. “Атвоқ уз-заҳаб” асари таржималарининг қиёсий таҳлили.....	27-61
2.1. “Атвоқ уз-заҳаб” асари таржималари.....	27-33
2.2. “Атвоқ уз-заҳаб” асари таржималарининг қиёсий таҳлили.....	34-61
III. Хулоса.....	62-64
IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	65-68

Кириш

Мавзунинг долзарблиги:

Ўзбек халқи қадимий, бой маънавий меросга эга. Асрлар давомида халқимиз севиб мутолаа қилган қисса дostonлар, шеърӣ девонлар, ҳикоят ва ривоят китоблари кўплаб қўлёзма ва тошбосма нусхаларда бизгача етиб келган. Уларнинг бир қисми ўрганилган бўлса-да, аммо ҳали илмий тадқиқ этилмаган ёзма адабий манбалар, қимматли ёдгорликлар мавжуд. Президентимиз Ислom Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асарида ёзади: “Бешафқат давр синовларидан омон қолган энг қадимги ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабийёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббийёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик ва деҳқончилик оид 10 минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётӣ тажрибалари, диний, ахлоқӣ, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди.”¹

Юртимизда азалдан жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чиққан. Айниқса ўрта асрларда бу диёрда илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали ижод қилган Муҳаммад Мусо Хоразмӣ, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Лайс Самарқандӣ, Бурҳониддин Марғилонӣ, Абу Муъин Насафӣ кабиларнинг донғи бутун Мағрибу Машрикқа тарқалган. Хоразм заминида туғилган буюк алломалардан бири Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарӣ саналади. Маҳмуд Замахшарӣ етмишга яқин нодир асарлар ёзган. Уларни ичида “Атвоқ уз-заҳаб” асари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек халқи мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ўзлигини англаш даврини бошдан кечираётган кезде тарих ҳақиқатини билиш, аجدодларнинг

¹ Каримов И.А. Адолатли жамият сари. –Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.- Б.32.

олам ва одам ҳақидаги тушунчалари, фалсафий-эстетик, ахлоқий қарашлари акс этган адабий ёдгорликларни ўрганишда бирламчи қўлёзма манбаларни тадқиқ этиш, илмий истифодага олиб кириш ҳар қачонгидан ҳам аҳамиятлироқдир. Президентимиз И.А.Каримовнинг: “Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний-ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди”², - деган сўзлари ҳам буни тасдиқлайди.

Ўтмиш аجدодларимизнинг бой тарихий меросини чуқур ўрганиб, уни кўпроқ баркамол авлод тарбиясига йўналтирмоқ керак. Чунки, тарих ёшларни кўп нарсага онгли равишда муносабатда бўлишга ундайди. Уларнинг мурғак қалбида она-Ватанга меҳр туйғуларини, бугунги кун қадрига етиш ҳиссини уйғотади. Ёшларни юртга садоқатли қилиб тарбиялашда, уларда аввало, ишонч-эътиқод, меҳр-оқибат, диёнат, инсоф, орият ва ғурур каби эзгу фазилатларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Албатта бунда илму ирфон нурини сочган буюк аجدодларимизнинг бебаҳо дурдона асарларини ўрганиш жуда қўл келади.

Маҳмуд ибн Умар Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф”, “Муқаддаматул-адаб”, “Асосул-балоғ” каби асарлари ўз даврининг даҳолари ёзган асарлар сингари шеършуносликка, адабнинг асосий соҳалари ҳисобланган тилшунослик, адабиётшунослик, балоғат каби соҳаларини юксалтирган. Бунда унинг “Атвоқ уз-заҳаб” асари алоҳида аҳамият касб этади.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб” асарининг таржимасини қиёслаш, улар ўртасидаги фарқли ўринларни аниқлаш, ҳикматли сўзларнинг мавзу кўлами ва жанр хусусиятларини, бадий маҳорати сирларини ўрганиш, ижодкор меросининг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатиб бериш эҳтиёжи ҳам ушбу мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Бу асарнинг тўлиқ номи "Атвоқ уз-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб" Ваъз ва хутбаларнинг олтин шодалари" бўлиб, Замахшарий уни Маккадалик

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Тошкент. Шарқ, 1998.-Б.4.

пайтида ўзининг илмий фаолияти барқ урган даврида яратган. Асарнинг дастлабки номи "Ан-Насоих ас-сиғар" "Кичик насиҳатлар" деб аталиб, юз мақоладан иборат ибратомуз ҳикматлар, фойдали маслаҳат ва гўзал ахлоқий ўғитлардан иборат. "Атвоқ уз-заҳаб" га шарҳ ёзган Мирза Юсуфхон Аштиёний шундай ҳикоя қилади: "Замахшарий бу асарини Маккани "Байтуллоҳни" тавоф қилган вақтида ёзган. Чунончи Байтуллоҳни тавоф қилиб ҳар бир айланганидан кейин бир мақола ёзган. Мақолани ёзиб яна айланган ва шу тариқа юз марта тавоф қилганидан кейин юз мақола ёзилган". "Атвоқ уз-заҳаб" асари мазмуни билан танишар эканмиз, муаллиф унда ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётига доир кўп масалаларини қамраб олганлигини кўрамыз. У мақолаларда золим ҳукмдорларни, порахўр қозиларни, адиблар, илм аҳллари ўртасида бўлган ашаддий кўчирмачиликни, мол-дунёга ҳирс қўйган уламоларни қойиб, ижтимоий иллатлар ҳақида очиқ-ойдин ёзади. Шу нуқтаи назардан ҳам асарни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади ва уни таржима қилиш, маъноси билан ёш авлодни яқиндан таништириш, ўзбек тилидаги таржималарини қиёсий ўрганиб, улардаги маҳорат қирраларини таҳлил қилиш долзарблигини ифодалайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси:

"Атвоқ уз-заҳаб" бир қанча тилларга таржима қилинган. Жумладан Фон Жозеп фон Хаммер томонидан бажарилган немисча таржимаси арабча асли билан 1835 йилда Венада, ўша йили яна Лейпцигда босилган, шунингдек, Густав Файл 1863 баъзи адабиётларда 1836 йилда Штутгортда бошқа немисча таржимасини чоп эттирди. "Атвоқ уз-заҳаб" билан француз шарқшуноси Барбье Мейнард ҳам қизиқиб, француз тилига қилинган таржимасини 1876 йилда Парижда бостирди. Шунингдек, бу асарнинг туркчага ағдарилган таржимасини 1288 ҳижрий йилда Константинополда чоп қилинди. Демак асарнинг нодир манба сифатида Европа ўрганишни XIX асрда бошлаган.

"Атвоқ уз-заҳаб"ни ўрганиш шарқда анча илгарироқ бошланган. Жумладан, XIII Шарофуддин Исфаҳоний "Атвоқ уз-заҳаб"дан таъсирланиб "Атвоқ уз-заҳаб" "Олтин шодалар" асарини, XVIII асрда Мавсилий Туркияда "Ахлоқ уз-заҳаб" "Олтин хулқлар", XX асрнинг бошларида Мисрда Аҳмад Шавқий "Асвоқ уз-заҳаб" "Олтин бозорлар" асарларини яратган.

"Атвоқ уз-заҳаб"нинг 1314 ҳижрий йилда босилган Байрут нашри 1321 ҳижрий йилда Мирзо Юсуфхон ибн Иътисом Малик томонидан ёзилган шарҳ у "Қалоид ул-адаб фи шарҳ "Атвоқ уз-заҳаб" деб аталади. У Мисрдаги "Тамаддун" матбаасида, 1328 йилда Мисрдаги "Ас-Саодат" матбаасида, 1925 йилда яна қайтадан Мисрда "Ал-Маҳмудия" матбаасида нашр сифатида босмадан чиққан.

Диссертация мақсад ва вазифалри:

Маҳмуд Замахшарий ҳаётини, у яшаган даврни ва ижодий мероси манбаларини ўрганиш, аллома асарининг матний-қиёсий тадқиқини амалга ошириш, олимнинг бадиий маҳоратини аниқлаш ва ижодкор меросининг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини белгилаш.

Маҳмуд Замахшарий таржимаи ҳолига оид манбаларни тадқиқ қилиш орқали унинг илмий биографиясига оид янги маълумотларни аниқлаш;

Олим ижодий меросининг қўлёзма манбаларини аниқлаш ва илмий ўрганиш;

Ижодкор ҳикматларининг матний-қиёсий тадқиқини амалга ошириш;

Тадқиқотнинг асосий мақсади Маҳмуд Замахшарийнинг "Атвоқ уз-заҳаб" асаридаги ҳикматлар ҳақида маълумот бериш, ҳикматларнинг ўзбек тилидаги таржималари, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, таржимонларнинг шарҳлаш принциплари ва услубини, маънони қайта яратишдаги сўз қўллаш маҳоратларини очиб, қиёслаб беришдан иборат. Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- 1) Маҳмуд Замахшарийнинг ҳикматга оид асарларидан "Атвоқ уз-заҳаб"нинг ёзилиш сабаблари, номланиши тадқиқ этиш;

- 2) “Атвоқ уз-заҳаб” асарининг ўзбек тилидаги таржималарини аниқлаш. Бунда ҳикматли сўзлар шакл ва маъно мазмунини таржима қилиш шартлари, ҳикматли сўзларни ўзбек тилига таржима қилган таржимонлар ва таржималарнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда таржиманинг яратилиш сабабларини ўрганиш;
- 3) “Атвоқ уз-заҳаб” асарини таржима қилишдаги таржимонларнинг маҳоратини чуқур таҳлил қилиш. Таржимонларнинг таржима қилиш услубларини аниқлаш, қиёсий стилистика ёрдамида уларнинг шарҳлаш маҳоратларини белгилаш;
- 4) Услубни қайта яратишда таржимонларнинг сўз қўллаш маҳоратларини баҳолаш. Таржимонларнинг ўзбек тили луғат бойликларидан қанчалик кенг фойдаланиши, таржимада услубни қайта яратишда синономия, семантиканинг ролини мисоллар орқали таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот Маҳмуд Замахшарий асарини ўрганишнинг айрим назарий муаммолари ҳал этилгани билан илмий аҳамиятга молик. Ишдаги маълумотлар ва олим ижодиёти юзасидан билдирилган илмий умумлашмалардан олий ўқув юртларининг филология ва тарих факультетлари учун дарслик, ўқув қўлланма ва хрестоматиялар тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг предмети ва объекти:

Маҳмуд Замахшарий “Атвоқ уз-заҳаб” асари нашри. Маҳкам Маҳмуд ва Назарбек Раҳим, Шайх Абдулазиз Мансур, Рашид Зоҳидларнинг ўзбек тилига қилган таржималари чоп этилган.

Тадқиқотнинг назарий методологик асоси ва асосий илмий метод:

Тадқиқотнинг методологик асосини, Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузларидаги миллий маданий меросимиз ва адабиётимизни ўрганишда доир кўрсатмалар ҳамда адабий манбашунослик ва матншунослик соҳасида ўзбек ва жаҳон олимлари эришган илмий-назарий ютуқлар ушбу диссертация учун назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди. Диссертацияда, хусусан, П.Шамсиев, В.Абдуллаев, М.Шайхзода, Ғ.Каримов, А.Қаюмов, С.Долимов, С.Ҳасанов, Ғ.Саломов, Ж.Жўраев, Н.Комилов, Қ.Мусаев, Ж.Шарипов, Э.Очилов, Ҳ.Караматов, А.Б.Кунин, каби таржимашуносларнинг бадиий таржима, таржимон маҳорати, таржимада муаллиф услуби, таржима ва илмий, бадиий таржимаси масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар ташкил этди.

Диссертацияда асосан шакл ва маъно қиёсий стилистик методдан фойдаланилди.

Диссертациянинг илмий янгилиги:

Маҳмуд Замахшарий асарининг матний-қиёсий тадқиқи амалга оширилгани;

Замахшарий ҳикматли сўзларининг жанр хусусиятлари ва мавзу кўлами, уларда муаллиф дунёқарашининг ифодаланиши масалалари ўрганилгани;

Асарнинг ўзига хослиги ва уларда бадиий санъатларни қўллаш маҳорати тадқиқ қилингани.

Тадқиқот мобайнида “Атвоқ уз-заҳаб” асарига оид маълумотлар, асар мақолаларининг ўзбек тилидаги маъно таржималари илк бор қиёсланди. Асардаги ҳикматли сўзларнинг шакл, маъно мазмунининг ўрни, таржимонларнинг услуби, қайта яратишдаги маҳоратлари, ютуқлари илмий таҳлил қилинди.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми:

Тадқиқот, кириш, икки асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. Маҳмуд Замахшарийнинг ҳикматли сўзлар жанрида тутган ўрни

1.1.Араб тилида ҳикматли сўзлар жанри:

Юртимизда азалдан жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чиққан. Айниқса ўрта асрларда бу диёрда илм- фаннинг турли соҳалари бўйича самарали ижод қилган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Лайс Самарқандий, Бурҳониддин Марғилоний, Абу Муъин Насафий кабиларнинг донғи бутун Мағрибу Машриққа тарқалган. Хоразм заминида туғилган буюк алломалардан бири Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий саналади. Маҳмуд Замахшарий етмишга яқин нодир асарлар ёзган. Уларни ичида “Атвоқ уз-заҳаб” асари алоҳида аҳамият касб этади.

Араб маданияти қадим даврларда Яқин ва Ўрта Шарқдаги ўзга халқлар маданияти билан ўзаро боғланишда ривожланган. Жумладан, қадимги Миср ва икки дарё оралиғи халқлари маданияти, қадимги Финикия, Фаластин, Эрон ва бошқа халқлар маданиятлари билан араб маданиятининг туташ жиҳатлари йўқ эмас.

Араб ёзуви ҳам минтақадаги қадимий ёзувлар таъсирида шаклланган. Исломдан илгари икки аср давомида шаклланган шеърият ярим оғзаки, ярим ёзма адабиёт характерига эга бўлган.

Асли араб маънавиятидаги “адаб” сўзи Европа тушунчасидаги “литеро” (яъни ҳарф) сўзидан келиб чиққан “Литературе” тушунчасидан фарқ қилади. Чунки “литература” тушунчасида ёзма адабиётни (яъни ҳарф билан битилган) халқ оғзаки ижодидан фарқ қилиш тушунчанинг асоси қилиб олинган. Адабиёт тушунчасидаги “адаб” эса инсонни камолотга етказиш масаласи билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун арабларда оғзаки ижод умумлашган ҳолда муайян атамага эга бўлмаган.

Оғзаки ижоднинг халқ орасида энг урф бўлган турларидан бири “масал” (кўпликда “амсал”) деб аталган бўлиб, унинг ўрни араб маънавиятида алоҳида ажралиб туради. Ўтказилган махсус текширишларга қараганда, Арабистоннинг шарқий ўлкаларда, Уммон ва Нажд ораларида, Баҳрайн ва Фрот дарёси атрофларида келиб чиқиши ва тарқалишига кўра “масал” жанри ёдгорликлари кўпроқ учрайди.

Асли ўзи жоҳилия шоирларнинг ҳам кўпчилиги ушбу ўлкадан бўлган. 660 йилгача бу ерда энг биринчи масаллар тўплами Саҳар ибн Айём томонидан яратилган. Хира ҳукмдори ан-Нуъмон араб шеърларини ҳам ёзиб олишни буюрган. Қадим дунёнинг ҳикматли сўзлари, мақол ва маталлар, билагони Аксам ибн Сайфи ат-Тамимий (540-640) ҳисобланган ва унга мансуб ўнлаб мақол ва маталлар кейинги асрларда тузилган тўпламлардан жой олган.³ Энг биринчи масал тўплами тузувчилар қаторидан ўрин олган Абид ибн Шариба 67 ҳижрий йилда эллик саҳифалик мақоллар тўплами тузган. Абу Умар ибн Ала аш-Шарқий ибн ал-Қутамий каби бир қатор “масал” тўпламлар тузувчиларнинг номларини зикр қилиб ўтади. Лекин уларнинг тўпламлари бизгача етиб келмаган.

Ҳижрий II-асрда Куфа ва Басра шаҳарлари “масал” тўпламлари тузишнинг марказига айланди, унда яшаган ҳар бир Ровий бу ишга ўз ҳиссасини қўшди. Куфа шаҳрида адибларнинг биринчи мактаби шаклланган бўлиб, бири Шарқий ибн ал-Қутамий 158 ҳижрий йилда бошчилигида тузилган “қалбийя” мактаби бўлса, иккинчиси Муфаддал Даббий раҳбарлигида тузилган “Даббия” мактабидир. Муҳаммад Қалбий 150 дан ортиқ асар яратган. У тарихий асар ёзишдан ташқари, халқ оғзаки ижодининг турли жанрларига оид асарлар яратган. Унинг масаллар тўплами жуғрофий асосда тузилган энг қадимги асарлардан ҳисобланади.

Ҳозирга қадар тўла ҳолатда сақланиб қолган масал тўпламларининг биринчиси 178 ҳижрий йилда ал-Муфаддал Даббий

³ А. Қаххоров. “Китабул- ҳайван” масал-жанри. Тошкент, 1992.- Б.25.

қаламига мансуб “Китаб ал-амсал” (“Масаллар китоби”)дир. Ушбу китоб 1300 ҳижрий йилда Истамбулда ва 1327 ҳижрий йилда Қоҳирада чоп этилган. Бундан келиб чиқадики, масал тўпламларини тузиш Уммавийлар сулоласи даврига мос келса-да, фақат Аббосийлар сулоласи даврида тузилган масаллар тўпламларигина бизгача етиб келган. Тарихчиларнинг кўрсатмасига кўра ал-Муфаддал ад-Даббий 97-103 ҳижрий йиллар оралиғида Куфа шаҳрида таваллуд топган.

Маълумки, XII- асрдан бошлаб араб мумтоз адабиёти таназулга юз тута бошлади. Шу сабабли масал илми, жумладан масалларни ўрганиш ҳам сусайди. Маҳмуд Замахшарийдан сўнг уч аср давомида фақат аш-Шайбий ва ат-Тарабулусий асарларгина диққатга сазовор бўлди. Бу соҳада ишлаган кўпгина ҳозирги замон Европа ва араб олимлари, ҳатто бу икки кейинги мусаннифларни тилга олмай ўтишади.

Янги давр Европа олимлари ичида XX аср немис олими Р.Зелхеймнинг номи араб дунёсида машҳур.⁴

Немис шарқшуноси Р.Зелхеймнинг “масал” ва уларни ўрганиш тарихи ҳақида қимматли фикрларни ўз ичига олган “ал-Амсол ал-Қадима” китоби 1954 йилда чоп этилган бўлиб, Рамадон Абду ат-Таввоб томонидан араб тилига таржима қилинади, ва 1977 йили Байрутда чоп этилади.

Р.Зелхеймнинг ушбу китоби муқаддима ва 5 бобдан иборат. Қадимги араб масалларни ўрганиш тарихини ушбу тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, уч босқичга ажратиш мумкин.

1.ал- Жоҳизгача ва унинг даврида яратилган асарлар.

Улардан бизгача етиб келган тўртта мусанниф: ал-Муфаддал ад-Даббий, Абу Файд ал-Муарриж, Абу Акрама Умрон ад-Даббий ва бошқаларнинг тўпламларидир. Ал-Жоҳизнинг “Китабул-ҳайван” асари қадимги араб масалларини ўрганишда ал-Жоҳиз асарининг аҳамияти жуда катта.

⁴ А. Қаххоров. “Китабул- ҳайван” масал-жанри. Тошкент, 1992.-Б.26.

2. Арабларда “Масал” жанрини ўрганишда ал-Жоҳиздан кейин ат-Тарабулусийгача ўндан ошиқ масалшунослар бу жараёнда фаол қатнашганлар.

3. Учинчи босқич ҳозирги замон (XIX-XX аср) олимларининг бу соҳадаги фаолиятларини ўз ичига олади.

Араб “Масал” илмини ўрганиш тарихи кўрсатадики, “Масал” деганда араблар бугунги кунда кенг тарқалган, Европа анъаналарга мос келувчи мақол ва матал тушунчалардан кенгроқ маънода қамраб олишган.

Ҳикмат билан масалнинг фарқи бор; деб ёзади Абу Дайн:

ادب الحکمة اعم من ادب المثل کل مثل حکمة و کيس کل حکمة مثلا

(Ҳикматли сўзнинг маъноси (ибратли хулосаси) масалнинг маъносига нисбатан умумийроқ. Ҳар бир масал ҳикматли сўздир, аммо ҳар бир ҳикматли сўз масал эмас.

Араблар масални шеърдан ҳам, батафсил “сюжетга” эга бўлган насрий асарлардан ҳам фарқ қилишган. Масал кейинги “тур” бадий ижод намуналари таркибида ҳам кўп ишлатилади. Аммо масалнинг мустақил равишда турли сабаблар билан, турли шароитларда қўлланилиши уни алоҳида жанр сифатида ажратиб кўрсатишга асос бўлади.⁵

“Асас ал-балаға”, “ал-Кашшаф фи тафсир ал-Қуран”, “ал-Мукддима”, “ал-Мақамат”, “ал-Муфассал” ва шулар каби машҳур асарлар муаллифи Замахшарий “ал-Мустақса фи Амсал ал-араб” асарини яратади. Бу китоб ўзининг икки хусусияти билан ажралиб туради:

1. У масалдаги биринчи сўзнинг уччала ундошини назарда тутган ҳолда алифбо тартибида тузилган.

2. Ҳар бир масалдан сўнг шу масал иштирок этган шеърий байтлар келтирилган.

Китобнинг муқаддимасида у: “Мен Абу Убайда, Абу Убайд, Асмаи, Абу Зайд каби олимларнинг китобларини ўқиб чиқдим, ал-Муфаддал ибн

⁵ А. Қаххоров. “Китабул-хайван” масал-жанри. Тошкент, 1992.- Б.40.

Муҳаммад ва ал-Муфаддал ибн Салама яратган тўпламларга назар солдим, умуман, элликдан ошиқ китоб варақладим”, деб ёзади. Ушбу китобнинг зикр қилиб ўтган ютуқларидан ташқари, бир қатор камчиликлари ҳам бор:

1. Ҳажми кичик.
2. Унда муваллад масаллар йўқ.
3. Ундаги ривоятлар қайта ишланиб тузатилган.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг ушбу китобини ёзиб бўлгандан кейин ал-Майдонийнинг “Мажмаъ ал- амсал” асари ҳақида дарак топади.

У билан танишиб чиққач, ўз тўпламини ёзганидан афсус қилади, ҳатто ал-Майдоний тўпламининг икки уч нусхасидаги “Майдоний” сўзи олдиға “На” ҳарфини қўшиб қўяди (яъни форсчасига “Намидони” билмайди деган сўзни ҳосил қилади).

Маҳмуд Замахшарийнинг ушбу китоби 1962 йили Ҳиндистонда ва 1977 йили Байрутда чоп этилди.

Каъбанинг хизматчилари сулоласидан Муҳаммад ибн Али Абдарий Шайбининг (837 ҳ.й.в.э.) кўп сонли асарлари қаторида Забид ва Таъиз ва Адан ва бошқа ўлкалар ҳокими Малик Носир Аҳмад ибн Малик Ашраф Исмоил Расулига тақдим этган “Тимсал ал-Амсал” китоби салмоқли ўрин эгаллайди. Масалларнинг ёзилиш тарихини у ўз китобида учга бўлади.

1. Муфаддал Даббий ва Абу Акрама ва Муаррижларнинг тўпламлари каби кичик асарлар ёзиш даври. Шайби Муфаддал Даббийнинг масаллар тўпламига алоҳида тўхталиб ўтган.

2. Масалларни маълум бир мавзулар асосида ёзиш даври. Бу бобда Абу Убайд Қосим ибн Салом тўплами ҳақида гап юритади. Нима учун келгуси даврдаги масаллар тўплами бу услубда ёзилмаганлигининг сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилади.

3. Аскарӣй, Майдоний ва Замахшарий каби масалларни алифбо тартибида ёзиш даври.

Аш-Шайбий ўзининг бу тўпламида берилган ҳар бир масални ва унинг шарҳини Майдоний ва Замахшарийларнинг тўплamlарида ёзилган ушбу масал билан солиштирган ҳолда беради. Аш-Шайбий бу тўплamlарнинг иккаласида ҳам бўлмаган 97 масални келтиради ва бундан ташқари, у ана шу икки тўплamlнинг фақат биттасидагина бор бўлган бир қатор масалларни келтиради. Бундай машаққатли ишни амалга оширишда у қайд этилган масал тўплamlаридан ташқари, бу Фараж Исфаҳонийнинг “Китаб ал-Афғани”, Абу Убайд Бакрийнинг “Шарҳ ал-Амали”, ал-Мубарраднинг “ал-Камил”, ал-Ҳаририйнинг “Дуррат ал-ғаввос” асарларидан фойдаланган. Шунингдек, муаллиф ал-Майдонийдан то ўзигача бўлган даврда янги пайдо бўлган “муваллад” масалларини ҳам тўпламига киритади. Тўплaml алифбо тартибида ёзилган бўлиб, “ҳамза” товуши билан бошланган масаллар китобнинг ярмини ташкил этади. Бу тўплaml ҳақида немис шарқшуноси О.Ресчер кўп фикрлар айтган. Аш-Шайбийнинг мазкур тўплами 1312 ҳижрий йилда Байрутда икки жилдда чоп этилган.⁶

Илми, салоҳияти ва тақвоси билан Сурия ва Ливанда машҳур бўлган аш-Шайх Иброҳим ал-Аҳдаб ат-Тарабулусий ал-Ҳанафий 1242 ҳижрий йилда Суриянинг Тарабулс шаҳрида туғилди. Тўққиз ёшида Қуръон ва унинг аҳкомларини ёд билган Тарабулсий келгусида сарф ва наҳв, фикҳ, баён, мантиқ фанлари бўйича кўзга кўринган олим ҳисобланган.

Бадий жиҳатдан гўзал, маъно жиҳатидан кенг 80 минг байт шеър муаллифидир. Унинг кўплаб адабий асарлари ва шеърӣ девонлари қаторида “Фараид ал- лаал фи мажмаъ ал-Амсол” тўплами муҳим аҳамият касб этади. Ушбу асарнинг муқаддимаси икки шаклда (шеърӣ ва насрий) берилгандир. Тўплaml ичидаги ҳар бир масал бирор байт шеър тарзида берилиши муаллифнинг илм ва шеър ёзиш иқтидоридан дарак беради.

Шу билан бирга, Тарабулсий масалларнинг айтилиш сабабини баъзи бир қизик қиссалар билан тушунтиради ва қийин, номаълум сўзларнинг

⁶ У.Уватов. Нозик иборалар. Тошкент, 1992.- Б.25.

маъносини ва келиб чиқишини шарҳлайди. Бу асар 1311 ҳ.й.да Байрутда икки жилдда нашр қилинган.

Маълумки, XII асрдан бошлаб араб мумтоз адабиёти таназзулга юз тута бошлади. Шу сабабли, араб илми, жумладан, масалларни ўрганиш ҳам сусайди. Маҳмуд Замахшарийдан сўнг уч аср давомида фақат Шайби ва Тарабулсий асарларигина диққатга сазовор бўлди. Бу соҳада ишлаган кўпгина ҳозирги замон Европа ва араб олимлари бор.⁷

Демак, араблар масални шердан ҳам, батафсил “сюжетга” эга бўлган насрий асарлардан фарқ қилишларини билдик. Умуман олганда “масал” турбадий ижод намуналари таркибида ҳам кўп ишлатилар экан. Аммо масалнинг мустақил равишда турли сабаблар билан, турли ҳодисаларда шароитларда қўлланилиши уни алоҳида жанр сифатида ажратиб кўрсатишга асос бўлади. Араб маънавиятидаги “адаб” сўзи Европа тушунчасидаги “литеро” (яъни ҳарф) сўзидан келиб чиққанлигини, “Литература”

1.2. Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди

Замахшарийнинг исми Маҳмуд, отаси Умар, бобосининг номи Аҳмад, куняси Абул-Қосим, нисбаси Замахшарий бўлган.

Замахшарий ҳижрий 467 йил⁸ ражаб ойининг 27-сида Хоразм вилоятининг Замахшар қишлоғида туғилди.⁹ Бу таърихий милодий 1075 йил мартининг 18 ига тўғри келади. “Шўро” журналининг 1917 йил 1- сониди Замахшарийга бағишланган мақолада унинг туғилган йили 1075, март ойи деб берилган, лекин баъзи шарқшунослар, жумладан, Б.З.Холидов Замахшарийнинг туғилган йилини 1074 йил деб беради¹⁰. Ҳақиқатда эса 467

⁷ У.Уватов. Нозик иборалар. Тошкент, 1992.- Б.26.

⁸ Ибн Касирнинг фикрига кўра Маҳмуд Замахшарий 462 йилда туғилган, лекин бошқа барча тарихчилар Замахшарийнинг 467 йилда туғилганлигини қайд қилганлар.

⁹ Ад-дуктур Аҳмад Муҳаммад ал-Хуфий, аз-Замахшарий, Дору-л-фикри-л-арабий (Қоҳира), 1956, Б. 35. (араб тилида).

¹⁰ Б.З.Халидов, Замахшарий, Семитские языки, Издание 2-е Изд-во “Наука”, Москва, 1965, стр.543.

ҳижрий йилнинг биринчи тўрт ойигина 1074 йилга киради, еттинчи ой бўлмиш ражаб оyi эса 1075 йил февралининг 20-сидан бошланади¹¹.

Тарихий маълумотларга қараганда, Замахшарий қишлоғи X асрдаёқ атрофи девор ва ҳандақ билан ўралган, темир дарвоза ва кўтарма кўприклик бир кент бўлган. Бу қишлоқ ҳозир ҳам бор бўлиб, маҳаллий аҳоли уни “Измихшир” деб атайдн.

Урганчнинг асл номи Гурганч, арабчаси Журжониядир. Кўҳна Урганчнинг жанубида Гурганчнинг харобалари ҳозир ҳам учрайди. Урганч номи Гурганчнинг биринчи товуши тушиб қолиши натижасида вужудга келган.

Хоразм узоқ тарихга эга бўлган қадимий ўлкадир. Хоразм милoddан олдинги олтинчи асрда подшолик қилган Доро томонидан ёздириб қолдирилган машҳур Беҳистун¹² ёдгорлигида ва қадимги зардуштийлар (оташпарастлар)нинг муқаддас китоби “Авесто”да тилга олинади. Хоразмни араблар Қутайба ибн Муслим саркардалигида 712 йилда истило қилади. В.В.Бартолд, Я.Ғ.Ғуломов, С.П.Толстов, А.Ю.Якубовский ва бошқа машҳур тарихшунос олимлар тадқиқотларидан маълумки, Ўрта Осиё, жумладан Хоразм исломгача ҳам жуда юксак маданиятга эга бўлган.

Хоразмликларнинг дини асосан зардушт дини бўлган, тили қадимги туркий ва эроний тиллари ўртасида бўлиб, бу тил “Хоразмий тил” ёки “Хоразмча” деб аталади. Оромий алифбосига асосланган хоразмий ёзуви ҳам бўлган. Кўҳна Хоразмда ҳайкалтарошлик ва рассомлик жуда ривожланган, мўғуллар истилоси даврида Хоразмнинг қадимий маданияти вайрон қилинади.

Хоразмда янги маданият Сомонийлар (874-999) давридан бошлаб ривожлана бошлайди. Лекин илму фан ва адабиётнинг асосий маркази Бухоро эди. Бу даврда Хуросон ва Мовароуннаҳр Фирдавсий, Рудакий ва

¹¹ Синхронические таблицы хиджры и европейского летосчисления, Изд-во АН СССР, М.-Л., 1961, стр.100.

¹² Бесутун деб ҳам аталади.

Дақиқий сингари улуғ шоирларни, Абу Жаъфар Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Муҳаммад Фаробий, Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний каби буюк фан доҳийларини етиштиради.

Хоразм Сомонийлар даврида Жанубий ва Шимолий вилоятдан иборат бўлиб, Жанубий Хоразмнинг пойтахти Қиёт, Шимолий Хоразмники Урганч (Гурганч, Журжония) эди. X аср охирида Қорахонийлар истилоси натижасида Сомонийлар давлати емирилгач, Хоразм тўла мустақилликка эришади ва унинг янада ривожини учун замин яратилади.

996 йилда Шимолий Хоразм ҳокими Маъмун ибн Муҳаммад (995-997) Жанубий Хоразмни ҳам ўзига бўйсундириб, ягона Хоразм давлатини вужудга келтиради ва Урганчни пойтахт қилиб, ўзини Хоразм шоҳи деб эълон қилади. Маъмун ибн Муҳаммад сўнг унинг ўғли Али ибн Маъмун (997-999), Али вафотидан сўнг унинг укаси Маъмун шоҳ бўлади. 1017 йилда Хоразмни Султон Маҳмуд Ғазнавий, 1043 йилда эса Салжуқийлар босиб олади. XII аср охирида Хоразм яна мустақилликка эришиб, хоразмшоҳларнинг янги сулоласи пайдо бўлади ва хоразмшоҳ Отсиз (1127-1156) даврига келиб Хоразм яна кучаяди.¹³

Хоразм иқтисодий жухатдан бой ўлка эди. X асрда Хуросон, Мовороуннаҳр, жумладан Хоразмни кезиб чиққан географ Абдуллоҳ Максудий ўзининг “Аҳсану-т-тақосим фи маърифати-л-ақолим” асарида Хоразмда деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо ишларининг ғоятда ривожланганлигини таъриф қилиб, аҳолисининг маданий савияси юксаклигини ҳам таъкидлаб ўтади¹⁴. Сомонийлар давлати емирилгандан сўнг хоразмшоҳлар пойтахтига айланган Урганч Ўрта Осиёда энг йирик илм марказига айланади. Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ибн Мискавайх, Абу Ҳаср Арроқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абулхайр Ибнул-Хаммор сингари кўпгина олимлар Урганчда тўпланиб, Маъмун ибн Маъмун саройида

¹³ Маҳкам Маҳмуд ва Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010.-Б.6.

¹⁴ Ўша асар. -Б.8.

Хоразм академияси ташкил топади. Маҳмуд Ғазнавий Урганчни босиб олгандан кейин (1017) академия тарқаб кетади: Ибн Сино Эронга ҳижрат қилади, Абу Райҳон Беруний Ғазнага Маҳмуд Ғазнавий саройига кетишга мажбур бўлади. Бироқ шунга қарамасдан, Хоразмда илмий ҳаёт тўхтамайди, кетиб қолган устозлар ишини шогирдлар давом эттирадилар.

Маҳмуд Замахшарийнинг туғилиб, балоғатга етган даври Султон Маликшоҳ Салжуқий (1072-1092) подшоҳ, Низомулмулк (1017-1092) вазирлик қилган даврга тўғри келади. Низомулмулк давлат арбоби сифатида маориф ва илму фанни кучайтириш соҳасида катта ишлар қилади. У Бағдод, Басра, Балх, Нишопур, Тус, Ҳирот, Исфаҳон каби шаҳарларда мадрасалар курдиради. Исфаҳондаги Умар Ҳайём илмий иш олиб борган расадхона ҳам Низомулмулк даврида бунёд қилинган.

Маҳмуднинг отаси Умар ибн Аҳмад ўқимишли киши бўлиб, дастлабки таълимни ўғлига ўзи беради. Маҳмуднинг илмга бўлган қобилияти ва иштоёқини кўрган отаси унинг ўқишини давом эттириш ниятига тушади. Бироқ Маҳмуд йиқилиб, бир оёғидан ажрайди, ёғоч оёқ билан юришга мажбур бўлади. Шундан сўнг Умар ибн Аҳмад ўғли Маҳмудга тикувчилик хунарини ўргатмоқчи бўлади.

Маҳмуднинг бу жисмоний камчилигини унинг юзига солувчилар кўп бўлган бўлиши керак, чунки у ўзининг “Навобиғу-л-калим” асарида **“Кам раъайту ман аъраж фидаражи-л-маъолий аъраж ва ман саҳиху-л-қадам, лайса лаҳу фи-л-хайр қадам”**, яъни “Олийжаноблик сўқмоғидан чаққон (ўрлайдиган) юрадиган оқсоқларни ва эзгулик йўлида оёқ босолмайдиган оёғи соғларни кўп кўрганман”, дейди. Бу ерда Замахшарий “Аъраж” (яхши ўрловчи) ва “Аъраж” (оқсоқ) сўзларининг шаклдошлигидан моҳирона фойдаланган. “Қадам” сўзининг такрорланиши ҳам жуда ўринли қўлланилган. Мана шу бир гапнинг ўзи, биринчидан Замахшарийнинг забардаст услубшунос ва моҳир сўз устаси эканлигига, иккинчидан, араб тилини аъло

даражада билганлигига, учинчидан, соғлом фикрли олим эканлигига яққол далил бўла олади.

Маҳмуд Замахшарий тикувчи бўлишни истамайди ва отасидан Урганч мадрасаларидан бирига киритиб қўйишини илтимос қилади. Бу илтимос бажарилади ва Маҳмуд сабр қаноат билан илм ўргана бошлайди, хат санаътини яхши эгаллаган Маҳмуд Урганчда моддий эҳтиёжи учун хаттотлик ҳам қилади.

Урганчда Маҳмуд Замахшарий Абу Музар Маҳмуд ибн Жарир Заббий Исфаҳонийдан дарс олади. Абу Музар кучли тилшунос бўлиб, у тил илмида “Фариду-л-аср” ва “Ваҳиду-д-дахр” (ягонаи даврон) эди. Бу олим бир қанча вақт Хоразмда истиқомат қилади, ўзининг чуқур ва ҳар тарафлама билими, хушфёъллиги, олийжаноблиги билан шуҳрат қозонади ва кўплаб адиб, тилшунос олимларни етиштиради. Абу Музар муътазилачи бўлиб, муътазийлиликни Хоразмга ҳам ёяди. Муътазиллик (ёки эътизол) ислом фалсафасидаги бир йўналиш бўлиб, XII асрда Ироқда вужудга келади. Муътазилларнинг пешвоси Мадинада туғилиб, Басрада турғун бўлиб қолган Восил ибн Ато (699-748) дир. Муътазилийларнинг ақидасига кўра инсоннинг қилмиши қадарда белгиланган тарзда мажбуран эмас, балки эркин равишда унинг ўз ихтиёри билан содир бўлади. Муътазилийликка фикр эркинлиги, ақл ва ҳужжатга ишониш хосдир.¹⁵ Маҳмуднинг ўткир зеҳни ва тиришқоқлигини кўрган Абу Музар буни ўзига шогирд қилиб олади ва ундан илмий ва моддий ёрдамани сира аямасдан ҳар тарафлама тарбиялайди. Маҳмуд ҳам ўз устозига қаттиқ ихлос қўйиб, унинг билим ва ахлоқий фазилатларини мукаммал ўзлаштиришига ҳаракат қилади ва ундан муътазилиликни ҳам қабул қилади. Устоз вафот этганида шогирд марсия ёзади.

Замахшарий Урганчда таҳсил имкониятларидан фойдаланиб бўлгач, янги илм қидириб ас-Саолибий (961-1037) “Илм толибларининг каъбаси, ер

¹⁵ Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкент, 2011.-Б.5.

юзидаги адиблар юлдузининг порлаши ва фозиллар макони” деб атаган Бухорога боради. Бу ерда Замахшарий шайхулислом Ҳаср Ҳорисий, Абу-Саъд Шакконий ва Абул-Хаттоб ибн Абул-Бадр сингари олимлардан дарслар, таълим олади.

Шундан кейин Замахшарий Хуросонга сафар қилади. Исфаҳонга боради, Салжукийлар саройида хизмат қилади. Шох Муҳаммад ибн Нўштагин (1097-1127) даврида Замахшарий Хоразмга қайтади, унга қасида ёзади ва хизматида бўлади. Замахшарий ўзининг машҳур “Муқаддиматул-л-адаб” асарини Муҳаммад Нўштагининг ўғли Алоиддин Отсизнинг илтимоси билан ёзади.

Маҳмуд Замахшарий 512 ҳижрийда (1118-1119) қаттиқ касал бўлади ва бундан кейин шох ва амалдорлар ҳузурида хизмат қилмасликка, илмий иш билан шуғулланишига қарор қилади. Замахшарий тузалгандан кейин Бағдодга боради, уни томоша қилади ва олимлар суҳбатида бўлади. Замахшарий Бағдоддан Маккага сафар қилади, Ҳижоз ва умуман Араб ярим оролининг ҳамма ерини кезиб чиқади. Маккада икки йилча тургандан сўнг ўз юртига қайтади. Замахшарий Хоразмда бир қанча вақт тургандан кейин Шомга, Дамашққа, сўнгра Маккага боради. Маккада Замахшарий ўзининг “Ал-Кашшоф” асарини тугатиб, яна ўзининг она ватанига келади ва қолган умрини ўз юртида ўтказади.

Замахшарий Урганчда 538 йил зулҳижжа ойи арафасида (4 июн 1144) оламдан ўтади. Ибн Батутанинг айтишича, Замахшарийнинг қабри шаҳар ташқарисида бўлиб, устида қубба ўрнатилган.¹⁶

Демак, Замахшарий ўзининг баракали ҳаёти давомида кўплаб шогирдлар етиштиради. У қаерда бўлмасин, унинг илмидан баҳраманд бўлишга муштоқ бўлган толиби илмлар йиғилишар эди. Замахшарий олимлик даражасига кўтарилган шахсларнинг ҳам илмий жумбоқларини ҳал қилар эди.

¹⁶ Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёхуд 101 манзума. Тошкент, 2011.- Б.5.

Замахшарлик Омир Ибн Ҳасан, табаристонлик Исмоил ибн Абдуллоҳ, Абивардлик (Хуросон) Абдурраҳим ибн Абдуллоҳ, самарқандлик Аҳмад ибн Маҳмуд ва бошқа кўплаб машҳур олимлар Замахшарийнинг шогирдлари.

Замахшарий инсоният илми хазинасига етмишга яқин қимматбаҳо асарлар қўшди. Ва шу мерос туфайли абадий тирик ва бугунги илмий ҳаётда фаол иштирок этмоқда.

1.3. Маҳмуд Замахшарийнинг ҳикматли сўзларга оид асарлари

Маҳмуд Замахшарийнинг панднома асарлари ҳикматлар тафсирий лавҳалардан иборат бўлиб, Қурон ғояларини улуғлайди, иймонли, эътиқодли, пок ниятли бўлишга, маънавий дурдоналарни қадрлаб авайлашга даъват этади. Ушбу ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в) айтдилар:

ان حكمة لا يتكلم بها كجسد لا روح فيه (الدارمي)

Ушбу ҳадисни Расулуллоҳ (с.а.в) дан Доримий ривоят қиладилар: “Албатта ҳикматсиз гапирилган сўз руҳсиз жасадга ўхшайди”

Замахшарий араб тилида назм ва наср билан ёзилган бадиий асарларидан ташқари тилшунослик, адабиётшунослик, фалсафа, ислом тарихи ва бошқа фанларга оид, юқорида айтганимиздек, элликдан ортиқ муҳим илмий асар яратди. Замахшарийнинг бизга етиб келган ва фанга маълум бўлган асарлари бор.

Машҳур олим Ибн Халликон ёзади: “Замахшарий тафсир, ҳадис, наҳв, луғат ва илм ул-баён бўйича буюк имомдир.

Замахшарий ўз илмий ва ижодий фаолиятида, аввал таъкидлаганимиздек, араб тили ва адабиётига чуқур ҳурмат билан қараган ва ўз асарларини фақат араб тилида ёзган.

Унинг асарлари мазмун жиҳатдан илм-фаннинг кўпгина (айниқса ижтимоий) соҳаларини қамраб олган бўлиб, уларнинг сони Ироқ олими доктор Фозил Солиҳ Самарийнинг ёзишича, элликдан ҳам ошиб кетади.¹⁷

¹⁷ А.Қаххоров. “Китабул-хайван” масал-жанри. Тошкент, 1992.-Б.28.

Олимнинг асарларини мазмунига қараб, асосан қуйдаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- а) диний илмлар ва уламолар ҳақида;
- б) луғатшунослик;
- в)грамматика (наҳв);
- г)аруз;
- д)адабиёт;
- е)мантиқ;

Хоразмлик буюк аллома Замахшарий етмишдан ортиқ асарлар ёзганлигини юқорида қайд қилган эдик. Бизнинг бахтимизга уларнинг аксар қисми бизгача етиб келган. Олим асарларнинг турли даврларда кўчирилган кўлёзма нусхалар дунёнинг йирик шарқшунослик марказларида сақланади. Алломанинг кўп асарлари эса қайта-қайта нашр қилинган ва ҳозирги вақтда ҳам тадқиқотчилар томонидан янги-янги нашрлар тайёрланиб, чоп этилмоқда.

Буюк ватандошимиз ижодига бўлган қизиқиш айниқса хорижий Шарқ мамлакатларида бугунги кунда ҳам жуда катта. Мамнуният билан шуни қайд қилиш керакки, мустақил Ўзбекистонимизда ҳозирги вақтда содир бўлаётган улкан ўзгаришлардан бири-бой ва қадиимий маданий меросимиз, тарихимиз, динимиз, кадриятларимиз, маданиятимизни муносиб баҳолаш ва янада равнақ топтиришига алоҳида аҳамият берилаётгани эътиборга моликдир.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ҳаёти ва самарали ижодий фаолияти ўрганилмоқда. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинмоқда, буюк аллома аз-Замахшарий тадқиқотчилар диққатини ўзига тортиши табиийдир.¹⁸

Маҳмуд Замахшарийнинг “Навобиғу-л-калим”, “Мақомату-з-Замахшарий”, “Атвоқ уз-Заҳаб” асарлари ва бошқа китобларнинг айрим қисмлари бадиий насрнинг юксак намуналари ҳисобланади.¹⁹

Алломанинг яна бир панднома асари тўғрисида маълумот берамиз.

¹⁸ У.Уватов. Нозик инборалар. Тошкент, 1992.- Б.37.

¹⁹ Ўша асар.- Б.37.

“Навобифу-л-калим” (Нозик иборалар) Замахшарий Маккада яшаган пайтида ёзилган бу асар “Ал-Калим ан-навабиф” деб ҳам айтилади. Унинг кўлёзмалардан бир нусхаси Бағдодда Ироқ Миллий музейида (563) рақамда, ундан ташқари Берлинда (8676), Лейденда (891 ва 92-рақамларда) ҳам сақланади. Насрий сажъ услубида ёзилган бу асар асосан ҳикматлар, насиҳат ва ўғитлар мажмуаси бўлиб, хилма-хил мавзуларни қамраб олган. Бу асар араб мамлакатларида бир неча марта нашр қилинган. Асарнинг 1914 ва 1927 йиллардаги Қоҳира нашри, 1306 ҳижрий йили Байрутда Муҳаммад ал-Кистий ал-Байрутий томонидан бажарилган нашри унинг дастлабки нашрларидан ҳисобланади.

Бундан ташқари профессор Баҳийжа Бақир ал-Ҳусний тадқиқ қилган танқидий нашри эса 1971 йилда “Ал-Араб” журналида босилиб чиқди. Недерландиялик олим Генрих Алберт Шултейн 1772 йилда Замахшарий асарини лотинчага ўғирди. 1876 йилда эса франсиялик шарқшунос Барбиер Мейнард томонидан бажарилган тадқиқот асарнинг французча таржимаси билан чоп этилди. Асар Мустафо Исомуддин томонидан туркчага ҳам таржима қилиниб, 1283 ҳижрий йилда Истамбулда нашр этилган.

“Навобиф ул-калим”га бир қанча шарҳлар ҳам битилган бўлиб, улардан Самарқандда, Амир Темур саройида хизматида бўлган йирик аллома Савдуддин Тафтазонийнинг (вафоти 792 ҳижрий йил) “Ан-Ҳиём ас-савобиф фи шарҳ ун-навобиф” (“Ан-Навобиф”нинг шарҳида улкан неъматлар) эътиборга муликдир. Мазкур шарҳ 1286 ҳижрий йилда Қоҳирада чоп этилган.

Хоразмлик олим Абу-л-Ҳасан ибн Абдулваҳҳоб Хивакий ёзган шарҳ (у 770 ҳижрий йилда битилган) дан бир кўлёзма нусха Берлинда (8675-рақамда) сақланади.

“Ал-мустақсо фи амсоли-л-аъраб” (Араб мақолларини ниҳоясига етказувчи).²⁰ Бу асарда 3500 га яқин мақоллар тўпланган. Ҳайрабодда нашр қилинган. Олим Замахшарий бевосита адабиётшуносликка оид асарлар ҳам

²⁰ У.Уватов. Нозик иборалар. Тошкент, 1992.-Б.39.

яратди. Бироқ адабиётшуносликка бевосита алоқадор бўлмаган асарларида ҳам адабиётга хусусан услубшуносликка ва шеършуносликка тегишли бўлган масалаларни ҳал қилди. Бу соҳада ўзигача етиб келган назарий фикрларни ривожлантирди, янги маълумотлар билан бойитди ва ўзигача тилга олинмаган назарий фикрларни майдонга ташлади.

Маҳмуд Замахшарий ўз асарларида бадиий тасвир воситаларига қисқа, лекин аниқ ва нозик изоҳлар беради. Масалан, “киноя” билан “таъриз” санъатлар бир жиҳатдан бир-бирига ўхшаб кетади. Шунинг учун баъзи филологлар бу икки санъатни бир санъат деб кўрсатадилар. Маҳмуд Замахшарий эса булар орасида фарқ борлигини кўрсатиб “Бирор нарсани ўз номи билан эмас, бошқа сўз билан атасанг, бу киноядир” дейди ва мисоллар келтиради.²¹

Ҳикматда эса бирор мақсадни аниқ айтмасдан шунга ишора қилинади. Масалан, бир муҳтож ҳожат билан, бировнинг олдига келиб ўз ҳожатини аниқ айтмасдан, “Саҳоватли юзингни бир кўрай деб келдим” деса, бу таъриздир, дейди Замахшарий. Маҳмуд Замахшарийнинг бадиий воситалардан фойдаланиш масаласидаги фикрлардан бири шундан шундан иборатки бадиий восита асл маъно ва тил қоидаларга мос бўлиши керак.

Замахшарий араб мақолларини йиғиб ўрганиш борасида ҳам катта илмий-тадқиқот илмларни бажарди. “Ал-мустақсо фи амсоли-л- аъраб” асарини ёзди. Бу асарда уч ярим мингга яқин араб мақоллари “алифбе” тартибида берилиб, изоҳланган.

Замахшарий мақолларининг маъносинигина изоҳлаб қолмасдан, уларнинг тарихи, вужудга келиш сабабларини батафсил тушунтиради. Баъзи мақолларнинг ишлатилишига мисол қилиб шеърӣ ва насрий парчалар келтиради. Масалан, Замахшарий “Зараба ахмасан ли-асдас” (найранг ишлатмоқ) мақолига шундай изоҳ беради: “ахмас” ни “асдас”га ўтказмоқ, “Ахмас” ва “Асдас” туя суғоришдаги. “Химс” (беш кунда бир суғориш)нинг

²¹ А.Қаххоров. “Китабул- ҳайван” масал-жанри. Тошкент, 1992. -Б.25.

кўплигидир. Бу мақол-келиб чиқиши шундай: узоқ сафарга отланадиган киши туясини сувсизликка чидашга ўргатади. Суғоришни секин-аста камайтириб бориб охири нуқтага етказгандан кейин чўлга киради; туя чидайди. У аввал беш кунда бир суғорса, кейин олти кунда бир сув беришга ўтади... Замахшарий афоризимлардан иборат бўлиб, ундаги ҳикматли иборалар ҳам ғоявий ҳам бадиий жиҳатдан юксак даражададир. (Бу асарда айрим парчаларни У.Уватов ўзбекчада нашр этган “Нозик иборалар” китобида акс этган.²²

“Мақомату-з-Замахшарий” ўғит ва насиҳатлардан иборат асар бўлиб, 50 та мақола (фасл)дан иборат, ҳар мақомнинг “Мақомату -л- марошид” (Мазҳаблар мақоми), “Мақомату-т-тақво” (Тақво мақоми) “Мақомату-зухд” (Зухд мақоми), “Мақомату-л-қанўа” (Қаноат мақоми) “Мақомату-л-иффа” (Иффат мақоми) каби номи бўлиб, бу мақолаларни Замахшарий “Ё Абулқосим” Эй, Абулқосим деб бошлайди.

Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб”, яъни “Ан-насоиҳу-с-сиғар ва-л-баволиғу-л-кибар” китоби дидактик асар бўлиб, кичик-кичик мақолалардан иборат.

Бу асарлар сажъ усулида ёзилган бўлиб, Шарқ адабиётига хос санъат билан безатилган.

Замахшарийнинг арабча девони ҳам бор бўлиб, унга лирик ва фалсафий шеърлар, қасида, фахрия, марсия ва назмий мактублар тўпланган.

Замахшарийнинг фалсафий қарашлари муътазилага (эътизолликка) асосланган. “Муътазила”нинг луғавий маъноси “четлашган”, “эътизол” эса “четлашув” маъносини беради. Муътазилийларнинг имоми Восил ибн Ато устози Басра мазҳабига асос солган Хасан Басрийнинг халқасидан четлашади ва шундан кейин Восил ибн Ато ва унинг ҳамфикрларини “Муътазилийлар” деб атай бошлайдилар.

²² У.Уватов. Нозик инборалар. Тошкент, 1992.-Б.40.

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд Замахшарий Султон Маликшоҳ Салжукий (1072-1092) подшоҳ Низомулмулк (1017-1092) вазирлик қилган даврга тўғри келади. Низомулмулк давлат арбоби сифатида маориф ва илму фанни кучайтириш соҳасида катта ишлар қилади. У Бағдод, Басра, Балх, Нишопур, Тус, Ҳирот, Исфаҳон, каби шаҳарларда мадрасалар қурдиради. Маҳмуднинг отаси Умар ибн Аҳмад ўқимишли киши бўлиб, дастлабки таълимни ўғлига ўзи беради. Маҳмуд Замахшарийнинг илмга бўлган қобилияти ва иштиёқини кўрган отаси унинг ўқишини давом эттириш ниятига тушади. Демак, Замахшарийдек аллома бўлишига отасининг ўрни беқиёс бўлганлигига манбаларда келтирилган. Баъзи манбаларда айтилишича, Маҳмуд йиқилиб бир оёғидан ажрайди, ёғоч оёқ билан юришга мажбур бўлади. Шунга қарамасдан у тушкунликка тушмасдан илм излашда ўз шижоатини намоён қилади. Умар ибн Аҳмад ўғли Маҳмудга тўқувчилик хунарини ўргатади.

Маҳмуднинг бу жисмоний камчилигини унинг юзига солувчилар кўп бўлган, чунки у ўзининг “Навобиғу-л-калим” асарида “Олийжаноблик сўқмоғидан чаққон юрадиган оқсоқларни ва эзгулик йўлида оёқ босолмайдиган оёғи соғларни кўп кўрганман”, дейди.

Маҳмуд Замахшарий тўқувчи бўлишни истамайди ва отасидан Урганч мадрасаларидан бирига киритиб қўйишини илтимос қилади. Бу илтимоси бажарилади ва Маҳмуд кунт билан илм ўргана бошлайди, хат санаътини яхши эгаллайди, шу тариқа Замахшарий Урганчда моддий эҳтиёжи учун хаттотлик ҳам қилади. Маҳмуд Замахшарий Урганчда таҳсил имкониятларидан фойдаланиб бўлгач, илм излаб Саолибий (961-1037) “Илм толибларининг каъбаси, ер юзидаги адиблар юлдузининг порлаши ва фозиллар макони” деб атаган. Бухорога боради, Ибн Кифтий, Ибн Ҳаликон, Ёқут Хаммавий ва бошқалар ҳам Маҳмуд Замахшарийнинг жуда кўп илм-фанларда “ўз даврининг яғонаси, ўз асрининг энг пешвоси (илғори) эди” деб ёзганлар.

II-БОБ. “Атвоқуз-заҳаб” асари таржималарининг қиёсий таҳлили

2.1. “Атвоқ уз-заҳаб” асари таржималари

Машҳур аллома Замахшарийнинг асарларидан бири бўлмиш, “Атвоқ уз-заҳаб”, (олтин шодалар) ҳақида. Бу асарнинг тўлиқ номи “Атвоқ уз-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” (“Ваъз ва хутобларда олтин шодалар” бўлиб, Замахшарий уни Маккадалик пайтида, ўзининг илмий фаолияти барқ урган даврда яратган. Асарнинг дастлабки номи “Ан-Насоих ас-сиғар” (“ кичик насиҳатлар”) деб аталиб, юз мақоладан иборат ибратомуз ҳикматлар, фойдали насиҳат ва гўзал ахлоқий ўғитлар мужассамдир. “Атвоқ уз-заҳаб” га шарҳ ёзган Мирза Юсуфхон ал-Аштиёний шундай ҳикоя қилади:

Замахшарий бу асарини Маккани (Байтуллоҳни) тавоф қилган вақтида ёзган. Чунончи Байтуллоҳни тавоф қилиб ҳар бир айланганидан кейин бир мақола ёзган. Мақолани ёзиб, яна айланган ва шу тариқа юз марта тавоф қилганидан кейин юз мақола ёзилган. “Атвоқ уз-заҳаб” асари мазмуни билан танишар эканмиз, муаллиф унда ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётига доир кўп масалаларини қамраб олганлини кўрамиз. У мақолаларда Золим ҳукмдорларни ҳам, фалсафа ва илм ул-фалак тарафдорларини ҳам кескин танқид қилади.

Порахўр қозиларни, адиблар, илм аҳллари ўртасида бўлган ашаддий кўчирмачиликларни, мол-дунёга ҳирс қўйган уломоларни қойиб, ижтимоий иллатлар ҳақида очиқ-ойдин ёзади.²³ “Атвоқ уз-заҳаб” бир қанча тилларга таржима қилинган. Жумладан Фон Жозеп Фон Хаммер томонидан бажарилган немисча таржимаси арабча асли билан 1835 йилда Венада, ўша йили яна Лейпципда босилган, шунингдек, Густав Файл 1863 (баъзи адабиётларда 1836) йилда Штутгорда бошқа немисча таржимасини нашр эттирди. “Атоқ уз-заҳаб” билан француз шарқшуноси Борбе Мейнард ҳам қизиқиб, француз тилига қилган таржимасини, 1876 йилда Парижда бостирди. Шунингдек, бу асарнинг туркчага ўғирилган таржимаси 1288 ҳижрий йилда

²³ Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010.- Б.12.

Константинополда чоп қилинди. “Атвоқ уз-заҳаб” нинг 1314 ҳижрий йилда босилган Байрут нашри 1321 ҳижрий йилда Мирзо Юсуфхон ибн Иътисом ал-Малик томонидан ёзилган шарҳ (у “Қалоид ул-адаб фи шарҳ” “Атвоқуз-заҳаб” деб аталади.²⁴

Мисрдаги “Тамаддун” матбаасида, 1328 йилдаги Мисрдаги “Ас-Соадат” матбаасида, 1925 йилда яна қайтадан Мисрда “Ал-Маҳмудия” матбаасида тижорий нашр сифатида босмадан чиққан, Замахшарий олим бўлиш билан бирга моҳир ёзувчи ва шоир ҳам эди. Олимнинг араб тили, адабиёти ва услуби соҳасидаги илмий билимлар унинг бадиий асарларда амалий акс этган.

Замахшарийнинг “Навобиғу-л-калим”, “Мақомату-з-Замахшарий”, “Атвоқ уз-заҳаб” асарлари ва бошқа китобларнинг айрим қисмлари бадиий насрнинг юксак намуналари ҳисобланади.

Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб фи-л-маваъиз ва-л-хутаб” ва “Ан-насоиҳу-с-сиғар ва-л-баволиғу-л-кибар” китоблари ҳам дидактик асарлар бўлиб, кичик мақолачалардан иборат.

Муътазилийликнинг асосий тамойилларидан бири тавҳиддир. Муътазилиярнинг тавҳид таълимотига кўра, Аллоҳ маълум бир жисмга, кўринишга ва муайян, бир маконга эга эмас, ҳамда унинг зоти билан сифати ягонадир, зотидан ташқари мустақил сифатларга эга эмас. Уни ҳам дунёда ва охиратда кўриш мумкин эмас.

Муътазилликнинг иккинчи муҳим тамойили инсон эркинлигидир. Муътазилларнинг фикрига кўра, инсон хатти-ҳаракати олдиндан белгилаб қўйилган эмас, шунинг учун инсонинг қилмиши ўзига боғлиқ. Унинг ҳаракати қадарда белгиланган тарзда эмас, ўз ихтиёри билан эркин равишда содир бўлади. Бинобарин, инсон ўз қилмишига ўзи жавобгардир.²⁵

²⁴ Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкант, 2011.- Б.8.

²⁵ У.Уватов. Нозик инборалар. Тошкент, 1992.-Б.40.

Муътазилийликнинг яна бир муҳим тамойили “адл”, яъни адолатдир. Адл тамойили шундан иборатки, табиат одилона яратилган ва адолат ҳукм суради яхшиликка яхши мукофот бор. Ёмонликка ўзига яраша жазоси бордир. Бу тамойиллар инсондан одил бўлишини, ёмонликдан узоқ бўлиб, яхшилик қилишини ва бошқаларни ҳам ёвузликдан қайтариб, эзгуликка ундашини талаб қилади.

Замахшарийнинг асарларида мана шу фалсафий қараш ва шу фалсафага асосланган эзгу ният ва хайрли ишларга насихатлар акс эттирилган.²⁶

Буюк аллома Жоруллоҳ Замахшарий буюк олимнинг ёзиб қолдирган бебаҳо дурдона асарлари ўтган ҳамма аср зиёлийларининг диққат марказида бўлиб келган. Унинг қаламига мансуб 70 дан ортиқ асарлари ичида “Атвоқуз-заҳаб” (Олтин шодалар) ўзига хос катта аҳамият касб этади. Зеро, муаллиф бу асарида инсонлиқни камолига етказишига олиб борадиган улуғ сифат ва фазилатларни тараннум этган.

“Устозу-л-араб ва-л-ажам”, “Фахри Хоразм”, “Жоруллоҳ” сингари номлар билан машҳур мутафаккир Маҳмуд Замахшарий мероси мустақиллик шарофати билан кенг миқёсда ўрганила бошланди. Бу улуғ аллома ижодининг кўлами бениҳоя юксак ва серқирра экани маълум.

“Атвоқ уз-заҳаб” асарининг ҳикматли сўзлар таржималарини шакл ва маъно мазмунини қиёслаб ўрганар эканмиз, қуйидаги манбалардан фойдаландик. 2010 йили “Атвоқ уз-заҳаб фи-л-мавоизи ва-л-хутаб” асари “Ехтремум пресс” нашриётида “Олтин шодалар” номи билан Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимаси ўзбек тилида чоп этилди. Асар таржимасини заррача камситмаган ҳолда, биламизки “Олтин шодалардаги” ҳикматли гапларни ўзбек тилига ё бошқа тилларга таржима қилишда ўзига хос нозикликларига дуч келамиз. Бу нозикликлар баъзан шу даражада бўртиб намоён бўладики, бир ҳикматли гапни ўгиргандан кўра, бундайроқ расмана асарни таржима қилиш ҳам ўнғай кўринади.

²⁶ Маҳкам Маҳмуд ва Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010. –Б.15.

Ҳикматли сўзларнинг таржимасини иродали, ўз ишига қасд қилиб киришган, фидоий кишигина уддалаши мумкин.²⁷

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржималарини туркча матн асосида амалга оширишган. Шундай экан, бошқа тилдан таржима қилинганда, ўзбек тилининг ўзидагина бор луғат “захираси” ҳисобига “соф” ўзбекча сўз ва ибораларигина ишлатиш, сўз ва бирикмаларнинг фақат ўз тилимизда бор эквивалентлари ва ўхшашларинигина қўллаш керак бўлади.

Иккинчидан таржимон изоҳлари асосий матнга қўшиб юборилган. Бу ўзгартиришлар матнни усмонли туркчадан ўзбекчага ўгирган таржимонларимизнинг ташаббуси билан содир этилмагани табиийдир. Улар туркча матн қандай бўлса, шундайлигича ўгирилган, албатта. Натижада айрим мақолотларнинг туркча намунаси аслиятдан фарқли бўлиб ўзбекчада ҳам тўлиқ очилмаган.

Ҳар ҳолда, аслият матни билан таржимон изоҳи ажратилса, тўғрироқ ва таржиманинг аслиятдан бир қадар узоқлашиш ҳолатининг олди олинган бўларди. Таъкидлаш керакки оддий гаплар образли, образли гаплар эса оддий таржима қилинган. Ҳозирда истъъмолдан чиқиб бораётган эски туркий сўзлардан ҳам кўп таржимада фойдаланганлиги учун ҳозирги замон ўқувчиси ва китобхони тушунишида қийинчиликларга дуч келади.

2011 йилда Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума Тошкент “Муҳаррир” нашриёти. “Атвоқ уз-заҳаб фи-л-мавози ва-л-хутаб” (Насиҳат ва ваъзлардан тузилган олтин шодалар) асари асосида ҳикматли сўзлар таржимасини ўрганишимизда, аввалги таржима билан қиёслаганимизда, бизнингча, Рашид Зоҳид таржимасида бир қанча афзалликларга эга.

Биринчидан, асар тўғридан-тўғри араб тилидан ўгирилган. Таржимон, сўзбошида мазкур нашрга асос бўлган манбалар, хусусан, асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари, ҳақида қимматли маълумотлар берган.

²⁷ Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкент, 2011.- Б.21.

Рашид Зоҳид эса матнни бевосита аслиятдан таржима қилгани учун ҳар жиҳати жозибадор. Таржима тили равон, инсонни қалбига таъсирчан қилиб ёритилган. Баъзан аслиятдаги саъжни ҳам сақлашга ҳаракат қилингани асарни ўқишли бўлишини таъминлайди. Маҳмуд Замахшарий ҳикматларига Фозил Зоҳид томонидан битилган назмий шарҳлар асар моҳиятини бугунги китобхон руҳи ва шуурига етказишда алоҳида аҳамиятга эга. Рашид Зоҳид юз ҳикмат шарҳига шеърӣ муқаддима ҳам битган. Шунга кўра, асарнинг ушбу ўзбекча нашри ўзига хос тарзда “Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума” деб аталар экан.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, назмӣ шарҳ асардаги Ўғитлар моҳиятини англашда, ҳис этишда беқиёс аҳамият касб этса керак.

Ҳикмат ҳақиқатан ҳам таъсирли: инсонни Ўзининг ва ҳақнинг моҳиятдан огоҳ этишга қаратилади. Уни мағзини чақиш ва мушоҳада қилган одам маърифатга, юксалишга интилади, жаҳолатдан, тубан иллатлардан сақланишга ҳаракат қилади.

Йиққан мол-дунёсига, имконияти катта бўлган яқинларга суянмайди, аксинча ўзи илм ва тақво билан кўрғонлайди.

2010 йил 15 январдан бошлаб Ислом нури газетасида Шайх Абдулазиз Мансур имоми Замахшарий насихатлар сарлавҳасида машҳур алломанинг “Олтин шодалар” асаридан бир қатор мақомалар чоп этилди.

Мақолларнинг аслига ва юқоридаги таржимонларнинг таржималарга қиёслаб ўрганганимизда, Шайх Абдулазиз Мансур асарнинг туркча таржимасидан эмас, Мисрнинг “Тамаддун” матбаасида, чоп этилган нашридан ўзбек тилига таржима қилганлигини билдик.

Шу сабабли Замахшарий ҳикматли замиридаги мазмунини шуурларига таъсирчан тарзда тўлиқ очиб етказа билган. Чунки илм аҳли орасида тан олинган бир ҳақиқат бор. Мутолаа инсон тафаккурини юксалтиради, унинг интеллектуал даражаси ошишига сабаб бўлади. Замахшарий ҳикматларини ўқиган ва уққан одамга, шубҳасиз, алломанинг улуғворлигидан муайян

насиба етишади. “Атвоқ уз-заҳаб” мутолааси ва мушоҳадаси давомида назмий шарҳ моҳият ва бадиият жиҳатдан мукаммаллашиб, теранлашиб боргани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди. Шайх Абдулазиз Мансурнинг таржимасида бир қатор, афзалликлар бор. Ҳикматли гаплар шакли маъно мазмуни теранлиги ва китобхонни қалбида онгида ҳаётда қийинчиликка дуч келганида зиёлийлар сингари, оқу-қорани дўсту душманни ота онага қариндошларга, меҳру-муҳаббатли бўлиб, жамиятга ва она Ватанига фойдаси тегадиган инсон бўлишига ҳар томонлама ёрдам беради.

Ушбу ҳадисда. *الحكمة ضالة المؤمن اخذها حيث وجدها* Ҳикматли сўз мўмининг йўқотган нарсаси, қаердан топса, унга ҳақлидир. “Сунани” Термизийда Абу Ҳурайра (Р.а.)дан ривоят қилинган. (20687) ҳадис.

Ҳикматли сўзларнинг таржимаси: ҳикмат муаллиф қалбидан бамисоли лахта чўғ бўлиб отилиб чиқади. Афоризимлар мажмуаси тартиб берганда, улар ўз манбаларидан ажратиб олингани туфайли, макро-контекст, яъни воқеа-ҳодисалар майдони, замини мавжуд бўлмайди. Мана шу белги ва хусусиятларнинг барчаси уларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилишда жуда жиддий қийинчиликлар туғдиради. Асардаги кичик мақолларнинг ҳар бирини таржима қилишнинг ўз тартиби талаби, шарти, инжиқлиги бор.

Ҳикматлар таржимасида бадиий таржимага хос кўпгина аломатлар учрайди. Энг муҳим талаби шуки, бу ерда айниқса ҳижжалаб ўгириш иллатидан эҳтиёт бўлиш керак, акс ҳолда бирон чуқур фикр ифодаланган кўшма гап оддий, жўн сўзлар тизмасига айланиб, мантиқий жозиба, кўзни қувонтириб, дилни ёриштирадиган лўқма ўрнига қандайдир англашилмовчилик, дудмаллик, чучмаллик, мантиқий чалкашлик-алогизим пайдо бўлади. Ҳижжали таржима ҳикматли сўз (афоризимнинг) бош кушандаси ҳисобланади. Сўзма-сўз таржима эса муайян ҳолларда қонуний ҳодисадир.²⁸

²⁸ Ғ. Саломов. Таржима назарияси асослари. Тошкент, 1983. -Б.46.

Ваҳоланки, бадий таржималар тилни тобора бойитиб боради: унга янги тушунчлар, янги сўзлар, янги мақол маталлар, қисман, янги идиомалар кириб келади, унутилиб қолган айрим ҳикматлар яна ҳаётимизга қайтади.

1) Ҳикмат мақол ва маталларни-таркибидаги сўзларнинг (бизнингча айтганда-объектларнинг) моддий маъносини айнан сақлаган ҳолда-аниқ таржима қилиш.

2) Асл нусхадаги ҳикматли гап, мақол, матал ва “фразеологик абортлар” таркибидаги сўзларнинг моддий мазмунини ёки шаклини бирмунча ўзгартириб таржима қилиш.

3) Асл нусхадаги мақол, матал ҳикматли сўз ва фразеологик бутунликларни асар таржима қилинаётган тилда ҳақиқатда бор бўлган ўхшаши билан алмаштириш,

Хуллас, бир тилдан бошқа тилга таржима қилишнинг, айниқса шеърий таржиманинг қийинлиги, тилларда айрим формал элементларнинг бири-бирига мувофиқ келмаслиги, баъзи тилларнинг ўзигагина хос бўлган категориялар орқали ифодаланган маънони бошқа тилда айнан шундай ифодалаб бўлмаслиги, айрим формал элементга ортикча баҳо бериб юбориш каби ҳоллар баъзи олимларнинг бир тилдан иккинчи тилга умуман таржима қилиб бўлмайди, деган зарарли хулоса чиқаришларга сабаб бўлган.

Айрим мақол, ҳикматли гаплар, метал ва хусусан “идомаларни” бир тилдан бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмаслиги ҳам уларни шундай хулоса чиқаришга олиб келган эди. Ҳақиқатда эса ҳикматли сўзлар иборалар бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиб бўлмайдиган хорижий тиллардан ўзбек тилига қилинган таржима материаллари асосида исботлаш бундай назариянинг асоссиз ва пуч эканлигини, ўзбек тилига ва жаҳондаги истаган тилдан ҳар қандай қийин ибораларни гапларни афаризимларни идиомаларни ҳам таржима қилиш мумкинлигини яққол кўрсатади.²⁹

²⁹ А.В.Федоров, Введение в теорию перевода, Изд-во лит.на иностр.яз, М.1953,стр 25.

Машхур аллома Маҳмуд Замахшарий ватандошимиз ижодига бўлган қизиқиш айниқса хорижий Шарқ мамлакатларида бугунги кунда ҳам жуда катталигини кўришимиз мумкин. Мамнуният билан шуни қайд қилиш керакки, мустақил Ўзбекистонимизда ҳозирги вақтда содир бўлаётган улкан ўзгаришлардан бири-бой ва қадимий маданий меросимиз, тарихимиз, динимиз, қадриятларимиз, маданиятимизни муносиб баҳолаш ва янада равнақ топтиришга алоҳида аҳамият берилаётганидир. Маҳмуд Замахшарий “Атвоқ уз-заҳаб” асарини Маккадалик пайтида, ўзининг илмий фаолияти барқ урган даврда ёзган. “Атвоқ уз-заҳаб” асарининг мазмуни, диний маърифий, ахлоқий-таълимий ва ижтимоий-сиёсий, тасаввуфий, фалсафий, ишқ-муҳаббат, табиат ва фасллар тасвирига оид мавзулар чуқур мазмун ва бетакрор бадиият уйғунлигида қаламга олинади.

Маҳмуд Замахшарий асарларида у яшаган давр руҳи теран ифодаланган. Ижодкорнинг ушбу асари адабиёт тарихида ҳам алоҳида мавқега эга деб ҳисоблашимиз мумкин. Маҳмуд Замахшарий ҳикматли сўзларида инсон камолоти, маънавий юксалиши, унинг жамиятдаги ўрни, ўзликни англаш ва Она Ватанга муҳаббат мавзулари кенг кўламда ёритилган десак асло муболаға бўлмайди. Маҳмуд Замахшарий ушбу асари орқали, жамият барқарорлиги, миллат келажаги, давлат мустаҳкамлиги, фуқаро садоқати, айниқса ёш авлодни баркамолликка, инсонпарварликка, аجدодлар ўтмишини билишга қизиқишга, уни хурмат қилиш руҳида тарбиялашга, ҳаётни севувчи, келажакка ишончи баланд, комил шахсларни етиштиришга хизмат қилади десак тўғри бўлади.

2.2. “Атвоқ уз-заҳаб” асари таржималарининг қиёсий таҳлили

Юртимиздан азалдан жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чиққан. Айниқса ўрта асрларда бу диёрда илм фаннинг турли соҳалари бўйича самарали ижод қилган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ибн Мискавайх, Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарийлар яшаган. Булар орасида аллома Маҳмуд

Замахшарийнинг муносиб ўрни бор. Унинг аксарият мероси филология соҳасига бағишланган.

Замахшарийнинг туркум асарлари ҳикматли сўзларга оид бўлиб, уларга “Навобиғу-л-калим”, “Мақомату-з-Замахшарий” “Ал-мустақсо фи амсоли-л-аъраб” асарлари киради.

“Атвоқ уз-заҳаб” қадимдан олимлар диққатини ўзига тортган. Жумладан, “Атвоқу уз-заҳаб” бир қанча тилларга таржима қилинган. Фон Жозеп Фон Хаммер томонидан бажарилган немисча таржимаси арабча асли билан 1835 йилда Венада, ўша йили яна Лейпципда босилган, шунингдек, Густав Файл 1863 йилда Штутгорда бошқа немисча таржимасини нашр эттирди. “Атвоқ уз-заҳаб” билан француз шарқшуноси Борбе Мейнард, француз тилига қилган таржимасини, 1876 йилда Парижда бостирди. Шунингдек, бу асарнинг туркчага ўтирилган таржимаси 1288 ҳижрий йилда Константинополда чоп қилинди. “Атвоқ уз-заҳаб” нинг 1314 ҳижрий йилда босилган Байрут нашри 1321 ҳижрий йилда Мирзо Юсуфхон ибн Иътисом ал-Малик томонидан ёзилган шарҳ (у “Қалоид ул-адаб фи шарҳ” “Атвоқуз-заҳаб” деб аталади.

Асар ўзбек тилига ҳам таржима қилинган, жумладан Шайх Абдулазиз Мансур Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим, Рашид Зоҳидларнинг таржималари бор. Машҳур аллома Замахшарий “Атвоқу уз-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” (“Ваъз ва хутбаларнинг олтин шодалари” асарини Маккадалик пайтида, ўзининг илмий фаолияти барқ урган даврда яратган. Асарнинг дастлабки номи “Ан-Насоих ас-сиғар” (“Кичик насиҳатлар”) деб аталиб, юз мақоладан иборат ибратомуз ҳикматлар, фойдали насиҳат ва гўзал ахлоқий ўғитлар мужассам. “Атвоқ уз-заҳаб” га шарҳ ёзган Мирза Юсуфхон Аштиёний шундай ҳикоя қилади:

Замахшарий бу асарини Маккани (Байтуллоҳни) тавоф қилган вақтида ёзган. Чунончи Байтуллоҳни тавоф қилиб ҳар бир айланганидан кейин бир мақола ёзган. Мақолани ёзиб, яна айланган ва шу тариқа юз марта тавоф

қилганидан кейин юз мақола ёзилган. “Атвоқ уз-заҳаб” асари мазмуни билан танишар эканмиз, муаллиф унда ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётига доир кўп масалаларини қамраб олганлини кўрамиз.

Таъкидлаш керакки, ўғитлар моҳиятини англашда, ҳис этишда беқиёс аҳамият касб этади. “Атвоқ уз-заҳаб” даги ҳикматли сўзларини мутолаа ва мушоҳада қилган одам маърифатга, юксалишга интилади, жаҳолатдан, тубан иллатлардан сақланишга ҳаракат қилади. Йиққан мол-дунёсига, имконияти катта бўлган яқинларига суянмайди, аксинча ўзини илм ва тақво билан қўрғонлайди.

Замахшарий ҳикмати замиридаги мазмунни шуурларга таъсирчан тарзда етказа олган. Илм аҳли орасида тан олинган бир ҳақиқат бор: мутолаа инсон тафаккурини юксалтиради, унинг интеллектуал даражаси ошишига сабаб бўлади. Замахшарий ҳикматларини ўқиган ва уққан одамга, шубҳасиз, алломанинг улуғворлигидан муайян насиба етишади.

1-мақола

المقالة الاولى

رفعة الانسان بعلمه و تقواه

ما يخفض المرء عدمه و يتمه، اذا رفعه دينه و علمه، ولا يرفعه ماله و اهله، اذا خفضه فجوره و جهله، العلم هو الاب، بل هو للثاني ارباب، و التقوي هي الام، بل هي الي اللبان اضم، فاحرز نفسك في حرزهما، و اشد يدك بعزهما، يسقك الله نعمة صيبة، و يحيك حياة طيبة.³⁰

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида

“Билим ва тақвонинг қиймати”.

Эътиқод ва билим соясида юксалган бир инсоннинг фақир ва йўқсил бўлиши унинг қадрини пастга урмайди. Бирор кимса агар ёмон ахлоқи ва илмсизлиги сабабли обрўсизланса, бойлиги ва қариндошларининг кўп эканлиги ҳам уни юксалтира олмайди. (обрўйини тиклолмайди).

Илм инсонни барча зарарлардан, ёмонликлардан ҳимоя қилувчи бир отадир. Тақво эса паноҳ истаганни бағрига босиб сақлаган онадир...

³⁰ محمود الزمخشري اطواق الذهب في المواعظ و الخطب ص ٥٣

Эй, инсон ўғли! Илм ва тақводан паноҳ иста ва икки қўлинг билан уларнинг узангисига ёпиш. Токи Жаноби Ҳақ сени ўз неъматига сарафроз қилсин ва умрингни гўзал кунлар билан зиёда қилсин.³¹

Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида:

Кишининг қаддини дину диёрати ва илму маърифати ошириб қўйгандан кейин унинг фақирлиги ва етимлиги тушириб қўя олмайди. Шунингдек, ёмон сифатлари ва нодонлиги туфайли ўз қаддини ўзи тушириб қўйган бўлса, ҳеч вақт бойлик ёки кўп авлодлик билан уни тиклай олмайди.

Инсоннинг асл отаси- бу унинг одобидир. Балки одоб бебош фарзанд учун отадан ҳам яхши тарбиячидир. Парҳезкорлик эса инсоннинг асл онасидир. Балки у онадан ҳам дилкашроқдир. Ўзингни шу икки меҳрибон мураббийлар бағрига топшир ва улардан зинҳор айрилма. Шундагина сени Аллоҳ таоло ўзининг неъматлари билан сероб қилур ҳамда ҳаётингни файзу барокотли этур.³²

Рашид Зоҳид таржимасида:

“Юксалиш”

Кишини дини ва илми юксакка кўтарган экан, на йўқлик-қашшоқлик, на етим-есирлик қаддини бука олади. Кимнинг бузуқлиги ва жаҳолати тубанлашувига сабаб бўлган экан, на мол-дунёси, на аҳлу яқинлари қаддини тиклай олади. Илм, бамисоли ота! Дунёни танитади, тўғрилиikka йўллайди, йиқилганда суяйди, дардга малҳам бўлади. Тақво, бамисоли она! Бағрига босиб, меҳрини беради, қалбни поклаб, кўзни яшнатади. Бас, шундай экан, ўзингни илм ва тақво билан қўрғнла. Қўлларингни илм ва тақво иззати билан қувватлантир. Оллоҳ сенга ўз неъматини ёмғир қилиб ёғдирсин, пок ҳаёт билан тирилтирсин.³³

³¹ Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010. –Б.22.

³² Шайх Абдулазиз Мансур. Имоми Замахшарий насиҳатлари. Ислом нури газетаси. Тошкент, 2010.- Б.9.

³³ Рашид Зоҳид, Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкент, 2011.-Б.15.

Юқоридаги таржималарни шакл мазмунини қиёслаб кўрсак: Асарнинг сарлавҳаси, " رفعة الانسان بعلوم و تقواه ".

Рашид Зоҳид таржимасида "Юксалиш" дейилгани таржимада тушунарсиз, аниқ эмас, "Инсонинг билими тақвосининг юксалиши" дейилса мақсадга мувофиқ.

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим туркий тилдан таржима қилишгани учун мақолага ном беришган. Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида, "دين" - сўзи ўзбекчада эътиқод деб берилган, Рашид Зоҳид таржимасида "дин" дейилган. Шайх Абдулазиз Мансур ҳикматли сўзида "дину диёнат" маъноси чуқур шу сабабли "дину диёнат" дейилгани тўғри. Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида араб тилидаги "علم" сўзи ўзбек тилида "билим" дейилган. Рашид Зоҳид таржимасида "илм", Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида эса "илму маърифат" таржимага мос тушади.

"Илму маърифат" деб ифодалангани маъно мазмуни инсонинг қалбига таъсирчан бўлиб чиққан.

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида, араб тилидаги «يتم» сўзи ўзбек тилидаги етим-есир ҳикматли сўзида учрамайди.³⁴ Араб тилидаги баъзи сўзлар ўзбек тилида шакл маъно мазмуни акс этмайди. Шайх Абдулазиз Мансур, Рашид Зоҳид ҳикматли сўзлар таржимасида етим есир сўзи бор. Шайх Абдулазиз Мансур Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржималарида араб тилидаги "فقير" сўзи ўзбек тилида тўғридан тўғри "фақир" дейилган.

Рашид Зоҳид таржимасида "фақир" сўзи қашшоқ дейилган " فقير " сўзи камбағал, " فقير " ўзбек тилида бир неча хил маънолари бор.

" العلم هو الأب " асардаги ҳикматли сўзини Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим, илм инсонни барча заралардан, ёмонликлардан ҳимоя қилгувчи бир ота деб таржима қилган. Таржимонлар ҳикматли сўз шакл маъно мазмун бузибгина қолмай, ўзидан қўшиш баёнйлик бор.

³⁴ Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010.- Б.22.

Рашид Зоҳид таржимасида “илм бамисоли ота”!

Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида “инсоннинг асл отаси бу унинг адабидир, яъни одоб бебош фарзанд учун отадан ҳам яхши тарбиячидир”. Рашид Зоҳид илм отага қиёсланаётган бўлса Абдулазиз Мансур ҳикматли сўзларида илм ҳам ота ҳам одоб яъни отадан ҳам яхши тарбиячидир, дейилиб таржима чуқур маъно мазмунни акс этган, таржимага мос тушади.

Асардаги "والتقوى هي الأم" ҳикматли сўзини, Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида "тақво эса паноҳ истаганни бағрига босиб сақлаган онадир".³⁵

Рашид Зоҳид ҳикматли сўзида "Тақво", бамисоли она!³⁶ Шайх Абдулазиз Мансур ҳикматли сўзида шакл маъно мазмунни бузмаган ҳолда, "Парҳезкорлик эса инсоннинг асл онасидир" араб тилидаги "والتقوى" сўзини ўқувчи китобхонга тушунарли бўлиши учун парҳез сўзини ишлатган.³⁷ Фикримизча таржимада парҳез сўзи тўғри қўлланилган, чунки ўзбек тили ҳам бошқа жаҳон тиллари қатори улкан сўз захирасига эга. "Атвоқу уз-заҳаб" асарида "بل هي الى اللبان" иборасини Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида "Эй инсон ўғли!" илм ва тақводан паноҳ иста ва икки қўлинг билан уларнинг узангисига ёпиш" деб мурожат қилган. Ваҳоланки асарда "Эй инсон ўғли" деб мурожаат этилмаган, таржимонлар шакл ва маъно мазмунни бузиб баёнийлик ва ўзидан қўшибгина қолмай эски туркий сўзларидан фойдаланиб узангисига ёпиш дейилгани ҳозирда ўқувчи ва китобхонга тушунарсиз.

Рашид Зоҳид таржимасида "тақво" бағрига босиб меҳрини беради, қалбини поклаб, кўзни яшнатади, таржимада баёнийлик бор.

Шайх Абдулазиз Мансур ҳикматли сўзида "Балки у онадан ҳам дилкашроқдир. Бу таржима аслига яқин баёнийлик йўқ қисқа ва лўнда акс

³⁵ Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёхуд 101 манзума. Тошкент, 2011.- Б.15.

³⁶ Ўша асар.-Б.16.

³⁷ Шайх Абдулазиз Мансур. Имоми Замахшарий насихатлари. Ислом нури газетаси. Тошкент, 2010.- Б.10.

эттирилган. Демак Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида образли гап оддий гап эса образли ифода этган ва баъзи сўзлар имловий ҳатолар яъни сарафроз сўзини саоафроз, шунга ўхшаш ҳатолар учраб туради.

2-мақола

المقالة الثانية

انظر الي اصلك

يا بن آدم اصلك من صلصال كالفخار، وفيك ما لا يسمعك من التيه و الفخار، تارة بالاب و الجد، و اخري بالدولة و الجد، ما اولاك بان لا تصعر خديك، ولا تفتخر بجديك؟ تبصر خليلي مم مركبك؟ والام منقلبك؟ فخفض من غلوائك و خل بعض خيلائك.³⁸

2-мақола

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимаси: "Кибрнинг ёмонлиги ҳақида".

Эй, инсон ўғли! Яратилишинг қуруқ (фақат) балчиқдандир. Ичинг эса кибр ва ғурурга тўла.. Қарасам, баъзан ўтмишинг билан фахрланасан, баъзан эса бойлик ва мол-мулкнинг билан, асллигинг, насл-насабинг билан, авлод-аждодинг билан фахрланасан. Кибр ва ғуруринг билан бошқаларга эътибор бермаслик, уларни ҳўрлаш, пастга уриш ва улардан юз ўгириш сенга ярашадими? Авлод-аждодинг улуғлиги билан фахрланма, керилма. Дикқатли ва огоҳ бўл!³⁹

Дўстим! Ўйлаб кўр-чи, нимага минажаксан ва не ҳол бўлажаксан, аҳволинг қандай бўлажак? Кел энди шу ёмон одатларингни камайтир; инсонликка, одамийликка ярашмаган кибр ва ғурурни тарк эт.⁴⁰

Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида.

Эй одамзод, аслинг лой, сополдан бўлишига қарамай, гоҳида бойлигу иқболинг билан фахрланиб такаббуланасан-а?! Ўзгаларни менсимай юришинг сенга лойиқ сифатлардан эмас.

³⁸ محمود الزمخشري اطواق الذهب في المواعظ و الخطب ص ٥٤

³⁹ Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010.- Б. 23.

⁴⁰ Ўша асар.- Б. 23-24.

Дўстим, ўзинг фикр қил. Охирги уловинг ёғоч от (тобут) ва вужудинг тупроққа айланадиган бўлгандан кейин ҳовурингдан сал тушгин ва кибру ҳаводан узоқроқ юргин-да!⁴¹

Рашид Зоҳид таржимасида: «انظر الي اصلك»

Аслингга боқ...

Эй Одам фарзанди, аслинг сопол каби қуриган лойдан. Ичингда эса ўзингдан ҳам катта кибр ва фахр. Гоҳ отанг билан, гоҳ бобонг билан, гоҳида мол-давлатинг, гоҳида фаровон ҳаётинг билан фахрланасан. Лунжларингни шишириб, боболаринг билан ифтихор қилиш сенга лойиқми?! Фикр қил, дўстим, нимадан яралдинг, нимага қайтгувчисан? Ҳаддан ошма, қуйи туш, бундай гердайишларингни йиғиштир!⁴²

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим, туркий тилдан таржима қилишгани учун асардаги мақолаларга ном беришган. "Кибрнинг ёмонлиги ҳақида" дейилган. Аслида эса бундай эмас шакл маъно мазмуни бошқача. Рашид Зоҳид Аслингга боқ... бу ҳикматли сўзга шакл маъно мазмуни чуқур лўнда инсонинг келиб чиқишига урғу бўлаётганлиги учун гўзал номни англатяпти.

Асарда "يابن آدم اصلك من صلصال كالفخار" ҳикматли сўзини Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим Эй, инсон Ўғли! Яратилишинг қуруқ (фақат) балчикдандир.⁴³

Буни ҳикматли сўз деб аташ мумкин эмас. Таржимон ҳикматли сўзни шакл маъно мазмунига жиддий ёндашмаган. Ҳикматли гапни ўгирганда ўзини инжиқликлари талаблари шартларини билмасдан туриб таржима қилиб бўлмайди. ҳикматлар таржимасида бадий таржимага хос кўпгина аломатлар мавжуддир. Демак таржимонлар араб тилидан хабардор бўлмаганликлари учун асардаги лой сўзини хунук сўзга балчикга айлантиришган. Бу ҳикматли гапни ўқувчи ёки китобхон ўқиганда қалбига онгига жуда ёмон таъсир

⁴¹ Шайх Абдулазиз Мансур. Имоми Замахшарий насиҳатлари. Ислон нури газетаси. Тошкент, 2010. –Б.10.

⁴² Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкент, 2011.- Б.18.

⁴³ Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010. –Б.23.

кўрсатади. Муражаат ҳам нотўғри ифодаланган. Чунки муурожаат фақат инсон ўғлига эмас балки умумбашариятга ўғилу-қизга панд насиҳат қилиняпти.

Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида: Эй одамзод, аслинг сополдан. Бу таржима тўғри қисқа лўнда маъно мазмунга эгадир. Биламизки ҳар қандай ўқувчи ёки китобхонни ўзига яраша диди тафаккури фаҳм фаросати дунё қараши бўлади.⁴⁴

Рашид Зоҳид ҳикматли гапида: Эй одам фарзанди, аслинг, сопол каби қуриган лойдан, шеърий тарзда ҳам бу ҳикматли сўз ўз ифодасини топган.

Эсла, одам, асли недан эканинг қуриган лойдир, яъни сопол танинг.

Демак бу ҳикматли сўзларни қиёслаганда. Шайх Абдулазиз Мансур ва Рашид Зоҳид таржималарида эса қоларли, ёрқин, қуйма ҳикмат бўлганлиги, сири шундаки: ботиний (ички) мазмун гўзаллиги билан зоҳирий (ташқи) шаклий- лисоний либосининг бир-бирига мос келишига алоҳида диққат қилинган.

Асардаги "تبصر خيلي مم مركبك" асардаги ҳикматли сўзида Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим Шайх Абдулазиз Мансур таржималарида араб тилидаги " مركب " сўзини "минажаксан" улов тарзида берилган. Маълумки, "Мураккабун" сўзи араб тилидан ўзбек тилига мураккаб деб кириб келган. Араб тилида "минмоқ" феъли бошқачадир.

Рашид Зоҳид таржимасида " مركب " сўзи ўзбек тилида ҳам "мураккаб" дейилганлиги учун асарнинг аслига яқин, фикримизча таржимон тўғри ёндашиб сўз танлашда адашмасдан шакл мазмунни қурбон қилмасдан инсонинг пайдо бўлиши мураккабдир, демоқчи.

3-мақола

المقالة الثالثة

الحياة ساعة

⁴⁴ Шайх Абдулазиз Мансур. Имоми Замахшарий насиҳатлари. Ислом нури газетаси. Тошкент, 2010. –Б.10.

عمر ينقضي مر الا عصار، و انت ترجوه مدي الا عصار، ضلة لرايك الفائل، في ظلك الزائل، ما هو
الا بياض نهارك فتغنمه، و سواد ليلك فلا تتمه، واتبع من ضرب اكباد المطي، حتي اناخ بكنف وطي.⁴⁵

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида:

الحياة ساعة

"Ғафлатдан уйғониш зарурлиги"

Эй, одам ўғли!

Умринг худди шиддатли елдек ўтиб бормоқда. Сен самарасиз қарашларинг туфайли пайдо бўлган бир ғафлат ва шошилиш билан бу заволаматида асрларча пойидор қолувчи бўлажагингни умид қиласан. Бутун умринг бир кеча ва бир кундуз ораси каби масофаси жуда қисқадир. Умр қисқақлигини ўйласанг-чи? Вақтингни ғафлат уйқуси билан ўтказма. Жиддийлик ва ғайрат отингни илм нағали билан ниқта, соғ-саломат манзилига етган суворийлардан бирига тобе бўл (яъни, устозингдан айрилма).⁴⁶

Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида:

Умринг елдек ўтмоқда. Сен неча яшамоқчисан? Бу ўткинчи сояга ишониш калтафикрликдан ҳосил бўладиган гумроҳликдир. Зеро, бу умр бир кунинг ёруғлигичадирки, уни ғанимат билмоқ ёки бир тунинг қоронғулигичадирки, уни бедорлик билан ўтказмоқ керак.

Бинобарин, сен отини қамчилаб то сўлим манзилга етиб бормагунча ҳаракатдан тўхтамайдиганларга эргашгин.⁴⁷

Рашид Зоҳид таржимаси: "Бир соат"

Умр бўроннинг ўтиб кетишидек тез тугайди. Сен уни асрлар қадар узоқ деб умид қиласан. Ўтиб кетувчи соянг ҳақидаги бу қарашинг нақадар хато ва заиф! Умр нима ўзи? Кундузингдаги оқлик, ҳали замон кун ботади, бас, уни

⁴⁵ محمود الزمخشري اطواق الذهب في المواعظ و الخطب ص ٥٥

⁴⁶ Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010.- Б.23.

⁴⁷ Шайх Абдулазиз Мансур. Имоми Замахшарий насиҳатлари. Ислом нури газетаси. Тошкент, 2010. -Б.10.

ухлаб ўтказма. Уловини қамчилаётганларга эргаш, кун келади карвон тўхтаб, туялар чўкади.⁴⁸

“Атвоқ уз-заҳаб” асарининг 3-мақоласининг бошланишида, *ينقضي مر الاعصار " عمر* ҳикматли сўзини Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим, "Эй одам ўғли!" деб мурожаат қилган. Ваҳоланки бу жумла араб тилида умуман йўқ. Таржимонларнинг ўзидан қўшиш салбий ҳолатлари бўлибгина қолмай, ҳар қандай фикр ўз қолипига эга бўлади, бу қолип унинг шаклидир. Ҳикматли гапда шакл ўз кўринишларини йўқотган. Асарнинг давомида *"و انت ترجوه مدي الاعصار ضلة "* иборасини Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим, сен самарасиз қарашларинг туфайли пайдо бўлган бир ғафлат ва шошилиш билан бу завол оламида "асрларча пойидор" қолувчи бўлажагининг умид қиласан. Бизга маълумки ҳикматли сўзлар таржимасида бош мезон шакл гўзаллиги билан бирга, даставвал маънони рўёбга чиқаришдан иборат. Акс ҳолда ҳикмат ва каромат ғойиб бўлиб, мантиқий ва бошқа бир қатор чалкашликлар пайдо бўлади.

Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида, сен эса неча асрлар яшамоқчисан?

Рашид Зоҳид ҳикматли гапида сен уни асрлар қадар узоқ деб умид қиласан.

Демак юқоридаги икки таржима муайян фикрни бир неча шаклда ифодалаш мумкинлигини ва у бошқача таъсир кўрсатишини билдик, шундай экан таржимада шакилнинг аҳамияти катта, уни сақлаш талаб қилинади, шунинг учун икки таржимада баёнийлик йўқ қисқа лўнда мантиқий бўлганлиги сабабли китобхонни ҳикматли сўзга муҳаббатини оширади.

*"من ضرب اكباد المطي، حتي اناخ بكنف وطي "*⁴⁹

Ушбу ҳикматли сўзни Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим, шундай дейишган. "Жиддийлик ва ғайрат отингни илм нағали билан ниқта, соғ-

⁴⁸ Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкент, 2011. –Б.19.

⁴⁹ محمود الزمخشري اطواق الذهب في المواعظ و الخطب ص ٥٥

саломат манзилига етган суворийлардан бирига тобе бўл (яъни, устозингдан айрилма) демоқчи.

Шайх Абдулазиз Мансур ҳикматли гапида бинобарин, сен отини қамчилаб то сўлим манзилга етиб бормагунча ҳаракатдан тўхтамайдиганларга эргашгин.

Рашид Зоҳид таржимасига келсак, уловини қамчилаётганларга эргаш, кун келади карвон тўхтаб, туялар чўқади. Ҳикмат қисқа лўнда ифодаланган.

Юқоридаги таржималарни асарни ўрганиб чиқиб шакл мазмунини қиёслаб кўрсак, Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржималарида ҳозирда истемолдан чиқиб кетаётган эски туркий сўзлардан фойдаланган. Баёнийлик бор, тушунарсиз ҳикматли сўз ғализ чиққан, таржима дабдабабозлик билан кўрсатилган.

Шайх Абдулазиз Мансур ва Рашид Зоҳид таржимаси “нейтрал” (ўрта) китобхонга тушунарли қисқа лўнда, ҳикматли сўз гўзаллигини йўқотмаган.

5-мақола

المقالة الخامسة

بالموت واغطاكفي

يابن ابي و امي هات، حديث الالباء والامهات، و حدث عن رجال العشيرة، و كرام الاخلاء والجيرة،
من الجار الجنب، (و ماس الطنب)، ومن جاثيناه علي الركب (وجاريناه في كشف الكرب)، ومن رفدنا
بالخير ورفدناه، وافادنا الحكمة وافدناه، قد اقتضاهم من اوجادهم ان يفنوا، (وخلت عنهم الديار كان لم يغنوا)،
وكفي بمكانهم واعظا لو صودف من يتعظ، وموقظا عن الغفلة لو وجد من يستيقظ.⁵⁰

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида:

"Ўлимдан ғафлатда қолмаслик (зарурлиги)

Қардошим, отларимиз ва оналаримиз қаерда?...

Тушунтириб бера оласанми? Дўстлар, қариндошлар эр-хотинлар қаерда? Бир бирига қондош, дўст, ақроболар (яқинлар) қани? Узоқ- яқин бўлган қўшнилар-чи? Тиззама-тизза, ёнма-ён ўтириб бир-бирининг дардига малҳам бўлган дўст-ёронлар қани?

⁵⁰ محمود الزمخشري اطواق الذهب في المواعظ واخطب ص ٥٨

Ҳаммасининг йўқдан бор бўлишларини Жаноби -Ҳақ тақдир этганлиги каби, уларнинг ўлишларини ҳам тақдир қилди ва мана улар орамиздан кетдилар. Гўё ҳеч, асло яшамаганлардек, ўринлари, жойлари изсиз қолди. Бир замонлар қадимгиларнинг яшаган гўзал мухташам пойтахтлари, шаҳарлари ва қасабалари, эгалари бўлган гавжум диёрлар қани? У ерлар зиёратчилардан насихат олмоқчи бўлган кишиларга насихат учун кифоя, уйғонмоқчи бўлган, ғофилларга ҳам учун ҳикоя.⁵¹

Рашид Зоҳид таржимасида:

"Ўлим насихатгўй бўлишга кифоя"

Эй сиз, туғишганларим, отамнинг ва онамнинг фарзандлари, инсонлар! Ота-боболардан, оналару момолардан гапиринг. Дўст-ёрону қон-қардошлардан, ён қўшнию жон қўшнилардан сўйланг. Қани у яқинлар, биз билан тиззама-тизза ўтирган, ғам- андуҳни бирга аритган? Қани у, бизга яхшилик қилгану, биз ҳам унга яхшилик қайтарганлар? Бизни илму дониш билан манфаатлантирган ва биздан ҳам фойда топганлар қани? Уларни бор қилган Зот уларнинг фаний бўлмоғини тақозо этади. Ҳовлилар бўшаб қолди, гўё ҳеч ким яшамагандек. Бу бўм-бўш маконлар ибрат учун кифоя, агар ибратланадиган киши унга йўлиқса. Ғафлатдан уйғотишга кифоя, агар уйғонган киши бор бўлса.⁵²

Асарнинг бошида "يابن ابي و امي" ҳикматли сўзини Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим мурожаат қилиб "Қардошим оталаримиз ва оналаримиз қаерда?"

Рашид Зоҳид бу гапни "Эй сиз, отамнинг ва онамнинг фарзандлари, инсонлар"

Бу ҳикматли гап аввалгисидан аслига яқинроқ, шакл маъно мазмуни қисқа лўнда тушунарли ҳозирда истеъмолдаги сўзлардан фойдаланилганлиги учун яхши чиққан.

⁵¹ Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010. -Б.24 .

⁵² Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкент, 2011.- Б.20.

6-мақола

المقالة السادسة

ربك قريب منك

عملك للذي علم منه في عدمه ما لا تعلم انت وقد وجد، ودعاؤك لمن هو اخبر منك بما اردت به مما لم ترد، فما هذا الرغاء كانه هدير؟ وما هذا الصراخ الذي الاصم به جدير؟ ان كنت ممن يايوي الي السنة دون البدعة، ولا يلوي علي الرياء و السمعة، و اردت بذلك وجه العليم بما خطر في قلب العبد، و هجس الخبير بما وسوست به نفسه، وأوخس من هوي نفسك العمل المشهور، فالكتم الكتم، ومن شهواتها الدعاء المنشور، فالختم الختم. ان خير النوق و القسي الكتوم، و خير الكتاب و الشراب المختوم.⁵³

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида

"Дуо одоби"

Шундай бир Оллоҳга куллик қиласанки, у Оллоҳ сенинг ҳамма қилганларингни ҳали қилмишларинг майдонда йўқ бўлган пайтдаёқ билган ва шундай бир Оллоҳга дуо ва ниёзда, ёлворишда бўласанки, сенинг учун хайрли бўлганни сендан ҳам яхши тушунган Зотдир. Шундай экан, дуо қиляпман деб туя бўқиришидек ҳайқиришлар, сағирга, гаранга қичқиргандек бақиришлар нечун?

Агарда сен бидъатга эмас, суннатга майлли бўлсанг, қулининг, бандасининг суврати ва сийратини, қалбидан кечаётганларни жуда яхши билган, нафснинг васваса ва яширин амалларидан, ишларидан ҳар онда хабардор бўлган Оллоҳнинг ризосини истасанг, шуни яхши билки, тумтароқ, яъни ташқаридагиларга таъсир қилиш учун қилинган сохта ҳатти-ҳаракат ва дабдабали амал нафснинг ҳаво ва орзусидандир. Унга бўлган дуо ва ниёзингни, ёлворишингни яшир. Яхшилаб яшир... Очiqчасига бақириб-чақириб қилинган дуолар нафснинг истаги, хоҳишидир. Нафс ва очқўзликнинг ҳар қандай истагини йўқ қил. Уни орзуларидан маҳрум қил. Туянинг ва ёйнинг яхшиси-овозсиз бўлгандир.

Мактубнинг ва шарбатнинг яхшиси- оғзи ёпилгандир.⁵⁴

⁵³ محمود الزمخشري اطواق الذهب في المواعظ و الخطب ص ٦٠

⁵⁴ Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010. –Б.24.

Шайх Абдулазиз Мансур ҳикматли гапида:

Бу қандай товушки, ҳудди туянинг ўкиришига ўхшар? Бу қандай чинқирикки, у билан қулоғи қар одамга мурожаат қилинар эди?

Агар сен бидъатга ва риёга эмас, суннатга эргашувчи бўлсанг ва қилаётган ишингни диллардаги яширин гаплардан, нафсу ҳаво васвасаларидан ҳам огоҳ бўлмиш ҳакийму Дононинг ризоси учун қилаётган бўлсанг, у ҳақда жар солишингнинг ҳожати йўқ. Аксинча, яшир уни. Дуони ҳам ошкор қилмай хатм қил.⁵⁵

Рашид Зоҳид таржимасида:

"Раббинг сенга яқин"

Қилаётган амалинг шундай бир Зот учунки, У қилмоқчи амалингни бажаришингдан олдин, ҳали амалинг йўқ пайтдан билади. Қилаётган дуоларинг шундай бир Зотгаки, У истаётган ва истамаётган нарсаларингдан сенда кўра кўпроқ хабардордир. Бу нима ўкирик, гўё туя бўкирганидек. Бу қандай бақирик-чақирик, қулоқни қар қилгудек.

Агар сен бидъатга эмас, суннатда қарор топадиган бўлсанг, риё ва сумъага мойил бўлмасанг ва бу ишинг билан банданинг қалбига хутур етган ҳар бир нарсани билгувчи, эл аро сени оваза этган амал нафс ҳавоси эканини англатувчи Зотнинг жамолини хоҳласанг, бас, машҳурликдан сақлан, махфий бўл. Ошкора дуолар билан ўзингни намоёиш қилишни нафсинг истаяпти, бу истакларнинг оғзини ёп, муҳрлаб бекит. Чунки туяларнинг яхшиси жим туриб, жим юрадигани, ёйларнинг яхшиси сассиз отиб, сассиз мўлжалга урадиганидир. Мактубнинг яхшиси ёпиб муҳрлангани, шаробнинг яхшиси мумлаб беркитилганидир.⁵⁶

"Олтин шодалар"да ҳикматли сўзларининг ушбу таржимасига диққат қилсак: "و خير الكتاب و الشراب المختوم " ان خير النوق و القسي " иборасини Шайх Абдулазиз Мансур "шарабун" "май" сўзини таржимада бермаган.

⁵⁵ Шайх Абдулазиз Мансур. Имоми Замахшарий насихатлари. Ислом нури газетаси .Тошкент, 2010. –Б.11.

⁵⁶ Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёхуд 101 манзума. Тошкент, 2011.- Б.21.

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим, ҳикматли гапида шакл, маъно мазмунни бузган ҳолда, нотўғри таржима қилишган. Чунки мазмунсиз шакл, шаклсиз мазмун бўлмайди. Асарда "شراب" сўзи ўзбек тилида бир қатор маънолари бор. "Май, шароб, шу кабилар. " Мактубнинг ва шарбатнинг яхшиси оғзи ёпилганидир. Бизга маълумки араб тилида шарбат, ва шунга ўхшаш ичимликлар, "مشروبة" деб берилади. Асарда эса аниқ кўриниб турибдики "شراب" яъни май ва шаробга ишора қилиняпти.Таржимада “май” сўзини берганларида мақсадга мувофиқ бўларди.

Нима учун шароб сўзини шарбатга айлантириш керак, кейинги сўзга келсак, араб тилидаги "مختوم" сўзи ўзбек тилида "Мухрланган" маъно мазмунни англатади, ёпилган эмас. Фикримизча, Таржимонлар “ёпилган” сўзи ўрнига “мухрланган” сўзини таржимада берганларида мақсадга мувофиқ бўларди.

Рашид Зоҳид ҳикматли гапининг таржимасига эътибор қилсак, "Ёйларнинг яхшиси сассиз отиб, сассиз мўлжалга урганидир. Мактубнинг яхшиси, ёпиб мухрлангани, шаробнинг яхшиси мумлаб беркитилганидир.Таржимада “мухр” сўзини қўлласа шакл маъно ва мазмун сақланади.

Рашид Зоҳид таржимасида шакл маъно ва мазмуни аслига мосроқ, чунки таржимасида “мухр” сўзини берган.

9-мақола

المقالة التاسعة

افد نفسك بمالك

الا اخبرك بالشقي المخدول، ذي المال المصون، و العرض المبذول، من لا يبالي اذا سلمت ثروته،
ان تمزق فروته، و اذا شبع خزائنه، ان تجوع خزائنه.

والا اخبرك بالسعيد المنصور، ذي الجناب الممطور، من خالف تلك السنة، واتخذ المال لعرضه
جنة، يقول لخازنه. انجح، و لوازنه، ارجح، و لنفسه اذا جاشت مكانك تحمدي، واذا طاشت وراءك
تصمدي.⁵⁷

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида:

Номусни мол-дунё учун фидо қилган билан номусини сабр-қаноат
билан ҳимоя қилган одам

Мени яхшилаб тингла, сенга ўз молига соҳиб чиқиб уни жуда севиб,
яхши кўриб, лекин ўз номусини ҳимоя қилмаган гуноҳкор, хулқи бузуқнинг
кимлигини тушунтириб берайин.

Бу турдаги инсон бойлиги ва роҳатига ҳалал бермасин дея шараф ва
қадр-қимматининг поймол бўлишига кўз юмган, ўз қорни тўйгач,
авлодларини ўйламаган кимсадир.

Сенга шарафли инсонни ҳам тушунтириб берай. Дикқат қилиб мени
эшит. Бу турдаги инсон юқоридаги одамнинг ҳилофи, тескарисидир:
бойлигини ўз номусининг ҳимояси учун сарфлаган, ўз амрида ва ишида
бўлганларга улуғ эзгулик кўп яхшилик қилган, жаҳли чиққанда унга ҳоким
бўлган, ғазабни енган, “Вазмин бўлки, мақталасан” дея ўзи-ўзига насиҳат
қилган, бирор нарсада шошқолоқлик қилганини тушунганида эса “Секин юр,
ҳамманинг излагани ва топгани бўласан” деб виқорли, саботли бўлишини
тавсия қилган одамдир.⁵⁸

Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида:

Энг бахтли одам шуки, у хушсуҳбат, ва файз-футуҳли бўлиб, мазкур
йўлдан юрмай фақат обрўсини сақлаш учун бойлигини қалқон қилиб
юрадиган, ўз омборчасига доимо бойлигидан эҳсон қилишни буюрадиган,
ҳазиначасига доим муҳтожларга ёрдам кўрсатишни амр қиладиган, ўз нафсу
ҳавоси жўш урганда “Жим бўл” деб босиб қўядиган, нафсонияти енгиллик

⁵⁷ محمود الزمخشري اطواق الذهب في المواعظ واخطب ص ٦٥

⁵⁸ Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010.-Б. 26.

қилганда уни енгиб, тинчитиб, мақтов ва таҳсинга сазовор бўладиган кишидир.⁵⁹

Рашид Зоҳид таржимасида:

“Молингни ўзингга фидо қил”

Хабар берайинми сенга, шундай бадбахт, кимсасиз, тарк этилган, молар йиғиб тўплаган, қадрини топтаган кимса ҳақида. У шундай кисаки, мол-мулки саломат бўлса бас, гарчи янчилса ҳам боши. Гарчи бола-чақаси очликдан қирилса ҳам, хазинаси тўлса, ҳамёнинг қорни тўйса, бас.

Хабар берайинми сенга, бахтли, билаги нусрат билан тўйинган, яхшилиги ёмғирдек ёғилган жаноб ҳақида. Бу зотнинг насаги мол тўплаб, қадрини топтаган кимсанинг йўлига хилофдир. У шундай жанобки, мол-дунёни қадрига қалқон қилади ва хазинабониға: ҳожатларни раво эт, тўхтама, дейди. Тарозибониға: оғир қилиб, мўл-кўл бер, дейди. У шундай инсонки, тоқати тоқ бўлиб, жазавага тушаётган нафсига: ўрнингда тур, мақталасан, изингдагиларга йўл бер, ардоқли инсонга айланасан, дейди.⁶⁰

Юқоридаги таржималарни шакл маъно мазмунини қиёслаганда, Шайх Абдулазиз Мансур асарнинг бошидаги “Хабар берайинми сенга, шундай бадбахт, кимсасиз, тарк этилган, молар йиғиб тўплаган, қадрини топтаган кимса ҳақида” маъносидаги ҳикматли сўзни Абдулазиз Мансур бундай берган “Энг бахтли одам шуки, у хушсуҳбат, ва файз-футуҳли бўлиб, мазкур йўлдан юрмай фақат обрўсини сақлаш учун бойлигини қалқон қилиб юрадиган, ўз омборчасига доимо бойлигидан эҳсон қилишни буюрадиган” дейилган.

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим, таржимада арабча сўзлардан фойдаланган “хилоф”..

Рашид Зоҳид таржимаси: юқоридаги таржимонлардан яхшироқ асарнинг аслига яқин, ҳикматли гапнинг таржимаси шакл маъно мазмуни

⁵⁹ Шайх Абдулазиз Мансур. Имоми Замахшарий насиҳатлари. Ислому нури газетаси. Тошкент, 2010. -Б.12.

⁶⁰ Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкент, 2011.-Б. 22.

аслидагидек бузмасдан ўзидан қўшмаслик қисқа лўндалигига эътибор қилинган.

11-мақола

المقالة الحادية عشرة

تدبر في آيات الله

الشهم الحذر، بعيد مطارح الفكر، غريب مسارح النظر، لا يرقد ولا يكرى، الا وهو يقظان الذكرى، يستنبط العظة من الملح الخفي، ويستجلب العبرة من الطرف القصي، فاذا نظرت الي بنات نعش فاستجلب عبرتك، و اذا رايت بني نعش فاستحلب عبرتك، و اعلم ان من الجوائز ان تروح غدا علي الجنائز.⁶¹

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида:

Ибрат билан қараш ҳақида

Ақлли ва эҳтиёткор инсонлар, нозик таъбли эркаклар масалалар қаршисида ухлаш у ёқда турсин, уйқусиролмайдилар ҳатто...

Улар доимо диққат-еътиборли бўлиб энг майда бир ишоратдан энг катта маънолар чиқарадиалр, бўлиши кутилмаган нарсалардан, заиф эҳтимолли нарсалардан насихатлар келтирадилар ва ибрат дарсини оладилар.

Сен ҳам бошингни юлдузларга кўтарганингда: “Роббана, ма ҳалақта ҳаза ботилан” (Эй Роббимиз, сен буларни беҳудага, бекорга яратмадинг....) („Оли-Имрон” сураси, 191-оят) деб ибрат кўзинг билан қарай ол.

Бирор жанозага дуч келганингда эса “инна лиллаҳи” (инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун: Биз Оллоҳнинг қулларимиз, бандаларимиз ва биз (охиратда ҳам) унга қайтгувчилармиз” (“Бақара “ сураси”, 156-оят) деб йиғлагин.

Унутмагил! Сени ҳам эртага бир тобутга солишлари мумкин. Эрталабгача соғ-саломат чиқмаслигинг эҳтимолдан ҳоли эмас!⁶²

Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида:

⁶¹ محمود الزمخشري اطواق الذهب في المواعظ واخطب ص ٨ ٦

⁶² Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010. –Б. 27.28.

Хушёр ва заковатли одам улдурки, унинг фикр доираси кенг, узоқни кўра оладиган, ғафлат уйқусидан йироқ, балки хамиша фикру зикр билан уйғоқ, махфий ишоратдан ҳам ўзига хулоса ола биладиган, сўқир кўздан ҳам ёш оқиза оладиган бўлур. Бас, сен ҳам кўкка боқиб “ети оғайни” юлдузлардан ибрат ол ва тобут ахлини (мархумларни) кўриб кўз ёшингни равон қил. Билгинки ўзинг ҳам эртами, кечми уларга ҳамроҳ бўлишинг жоиздир.⁶³

Рашид Зоҳид таржимасида:

Оллоҳнинг оятлари хусусида фикр қил

Зийрак, фикр увадаларидан узоқ, ғариб ва назарий тийрак қалбни уйқу элитмайди. Магар у доим уйғоқ, зикрда. Битта гизли, махфий нигоҳдан насиҳат излайди, топади. Сўнгсиз ва узоқ тикилган нигоҳдан ибрат олади. Осмонга тикилиб, ғуж-ғуж юлдузларни кўрар экансан, ибратлан. Қачонки, елкалар узра лопиллаб кетаётган тобутни кўрганингда кўзингни ёшлари юзунгни ювсин. Билгинки, эртага тобутда кетишинг сенга аталган мукофотдир.⁶⁴

Асарнинг 11-мақоласининг Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида, ўзидан кўшишлик мавжуд. Мисол учун оятлар дуоларни келтирсак бўлади. Шайх Абдулазиз Мансур ҳикматли гаплари аслига яқин.

Рашид Зоҳид таржимасида ҳам эски туркий сўзлардан фойдаланганлигини ушбу мақолада кўрдик. Шайх Абдулазиз Мансур ҳикматли сўзи шакл маъно мазмуни аниқ.

16-мақола

فعل الانسان دليل علي اصاله

⁶³ Шайх Абдулазиз Мансур. Имоми Замахшарий насиҳатлари. Ислому нури газетаси. Тошкент, 2010.- Б.12.

⁶⁴ Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкент, 2011.- Б.23.

الكريم اذا ريم علي الضيم نبا، والسري متي سيم الخسف اتي، و الرزين المحتبي بحمالة الحلم ينفر
نفرة الوحشي عن الظلم، اشفاقا علي ظفره ان يقلم، و علي ظهره ان يكلم، قلما عرفت الانفة والاباء، في غير
من شرفت منه الاباء، ولا (خير) فيمن لم يطب له عرق، وذنب الكلب ما به طرق.⁶⁵

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида.

Яхши инсоннинг хосияти ҳақида

Шарафли ва номусли инсонга зулм қилиш таклиф қилинса у дарҳол қарши чиқади. Ҳурмат эътиборли (асл зотли) бир кишига бошқа бир инсонни ҳақоратлаш ва у билан ёмон муносабатда бўлиш топшириғи, вазифаси берилса у вазифадан, топшириқдан дарров ўзини олиб қочади. Ўзига берилган, тобе этилган бир инсоннигина эмас, ҳатто ҳайвонинг ҳам тирноғининг синиши, эгарнинг унинг белини яралаши андишаси билан ичи титрайди. Аммо бу ҳислат гўзал ахлоқ соҳиби бўлган покиза инсонларгагина хосдир, қони бузуқларга эмас.

Итнинг қуйруғида ёғ ва куч-қувват бўлмаганидек, аслиги бўлмаган инсонларда ҳам хайр ва ҳосият, олийжаноблик бўлмайди.⁶⁶

Рашид Зоҳид таржимасида:

Инсоннинг феъли аслига далолат

Карамли инсон зулмга рўбарў қилинса, тийилади. Шариф инсонга хорлик исталса, юз буради. Ҳилм ипларидан ўзига суянч ясаган виқор эгаси зулмдан хавфсирайди, ҳуркиб қочади, токи у панжа уриб ташланмасин, ўткир тирноқларини ботириб жароҳат етказмасин. Зулмдан бундай тийилиш ва юз ўгириш ота-боболари шариф бўлганлардан ўзгаларда кам учрайди. Асли тоза бўлмаган кишида хайр йўқ. Итнинг думи на эт бўлишга, на ёғ бўлишга ярайди.⁶⁷

Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида:

⁶⁵ محمود الزمخشري اطواق الذهب في المواعظ واخطب ص ٧٦

⁶⁶ Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010. -Б .30.

⁶⁷ Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкент, 2011.- Б .31.

Фақат дунё ва мол йиғишни мақсад қилиб олган сурбет одамга унинг бу сифати ҳар томондан ўлжа келтирар, ёпик эшикларни очар, хурмо ва бошқа хушхўр емишларни едирар, дадил айтишга жасоратли қилар, қийин ишларни эса осонлаштириб берар.

Шарму ҳаёли юзнинг эгаси тили лол, бировга тик боқиб сўз айта олмас, андиша ипидан чиқа олмас, доимо ҳоли танг, йиғига доимо шай, бошқаларнинг қорни тўқ, у эса оч, улар сероб, у эса ташнаи об, лекин шундай аҳволда бўлса ҳам у сурбетлик қилмас, молу бойлик учун ўзини хорликка солмас.

Таъмагирлик ила топган матоҳи барибир оз ва носоз ҳисобланур. Аллоҳнинг ёруғ кунлари ҳаққи, пешона терининг бир томчиси ҳар қандай соҳибжамол, барно юзидан гўзал, мешингда бир ютум сув қолмаганда ҳам бировдан сув сўрамасдан обрўйингни сақлаб қолганинг бутун бир денгиз сувига эга бўлиб туриб юзингда шарм бўлмаганидан афзалдир.⁶⁸

Шайх Абдулазиз Мансур, обрўйингни сақлаб қолганинг бутун бир денгиз сувига эга бўлиб туриб юзингда шарм бўлмаганидан афзалдир. Асардаги ҳикматли сўз бошқача. Таржимада форсий сўзларни ҳам қўллаган, “хушхўр”.

Рашид Зоҳид таржимада “Хайр” сўзи ўрнига “Яхшилик”, “ҳилм”ни ўрнига “пок” дейилганда таржима соф китобхонга тушунарли бўларди. Итнинг думи на эт бўлишга, на ёғ бўлишга ярайди. Бу таржима асардаги ҳикматли гапга шакл маъно ва мазмун жиҳатдан мос тушади. Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида, “хайр” ўрнига таржимада “яхшилик” деб берилса мақсадга мувофиқ бўларди.

17-мақола

المقالة السابعة عشرة

الحياء خير من المال

⁶⁸ Шайх Абдулазиз Мансур. Имоми Замахшарий насихатлари. Ислом нури газетаси. Тошкент, 2010.-Б. 22.

الوجه ذو الوقاحة، من وجوه الرقاحة، يفئ علي صاحبه الانفال، (و يفتح الاقفال)، و يلقطه الارطاب، و يلقمه ما استطاب، و يجسره علي قول المنطيق، و يبسر فعل ما لا يطيق، و كل ذي وجه حي، و لسان عي، معتقل لا ينشط لمقال، و لا ينشط من عقال، و لا يزال ضيق الذرع، بكيء الضرع، يشبع غيره و هو طيان، و يعطش (هو و صاحبه ريان)، و لكن لا كان من يتوقح، (لاجل ان يترفه و يترقح)، فلعمري ما النائل الوتح، الا ما ناله الوقح، و ايم الله ان الرشحة في الجبين، احسن من الشمم في العرنين، (ولان تفر عرضك وما في سفائك جرعة) خير من ان تملك البحر وما في وجهك مزعة.⁶⁹

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида.

Юзсизлик ва ҳаёсизлик ҳақида

Юзсизлик бой бўлишнинг шартларидан бири ҳисобланади. Эгасини қанча мол-мулк, пулга эриштириб орзуларининг олдидаги қулфланган эшикларни очади ва энг нодир, камёб меваларга қўл узаттиради. Бойлик унга ҳатто қисқа, лўнда ва тушунарли қилиб сўзлай оладиган энг моҳир сўз сталарининг қаршисида ҳам оғиз очиш, гапириш жасоратини беради.

Фақат юзида ҳаё бўлган кишигина тилидаги ҳижоб, уят тугунини ечиб ўз аҳволини сира тушунтира олмайди. Доимо шошган, саросимага тушган ва бечора, ёрдамсиздир. Ҳаё соҳиби кун кўриш ва эришиш йўллари яхши билмаганлиги сабабли ғам-ғусса ботқоғига ботиб қолади. Бошқалар дунё неъматлари ичига тезда кириб олиб, завқ ва сафо қиларкан, бу бечора эса камбағаллик, фақирлик ичида ёниб қолаверади. Онт ичаманки, бу дунёда мўл-кўлчилик ва роҳат-фароғатда яшаш ё тижорат билан бўлсин, ё густохлик, орсизлик, одобсизлик билан бўлсин, бари-бир юзсизнинг эришган нарсаларининг ҳеч қандай қадру-қиммати йўқ. Валлоҳиллазий (улуғ Аллоҳ, шоҳидки), пешананинг терлаши кибрланиш ва ғурурланишдан кўра гўзалроқ. Ва сенинг бир қултум сувга эга бўлмасанг ҳам ор-номусингни, иззат-нафсингни ҳимоя қилишинг-дарёларга соҳиб бўлиб, шараф ва эътиборингни оёқ ости қилиб, ялиниб ёлворишингдан минг чандон яхшидир.⁷⁰

Рашид Зоҳид таржимасида:

⁶⁹ محمود الزمخشري اطواق الذهب في المواعظ واخطب ص ٧٧

⁷⁰ Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010.-Б.31.

Ҳаё молдан яхшироқ

Кундалик муомала, у тижорат бўладими ёки бошқа касб, давомли бўлавергач, бет қотиб кетади. Беҳаюз ўз эгасига ўлжалар тақдим этади ва очилмаслиги лозим бўлган қулфларни бир-бир очади, бошоқни теради, машоққа кўз тутади, неки лаззат бор, ямламай ютади. Беҳаёлик уни чиройли сўзларга жасур қилади, бажаролмайдиган ишини унга осон кўрсатиб, ўзига асир қилади.

Ҳар бир ҳаёли юз ва дудук тил эса пардалар билан тўсилган, чиройли сўзларга ҳуши йўқ. Лек тугунлари мустаҳкам, ечилмас, кўнгиллари тўқ. Ҳаё эгасининг доимо қўли калта, тирикчилиги ҳаминқадар. Ундан бошқасининг кўзи оч қорни тўқ, унинг эса қурсоғида очлик ва қаноатдан бошқа нарса йўқ. У ташна, чанқайди, ёнидаги ҳамроҳи сувга ғарқ яшайди...

Оллоҳга қасамки, уялган, қимтинган ҳолатда пешонадан тошиб чиққан терлар-кўтарилган бурунинг “кўрк”идан чиройлироқдир. Гарчи мешингда бир қултум сув бўлмаса ҳам ор-номусининг бутун бўлиши-юздаги ҳаёнинг бир парчасидан маҳрум бўлиб, бутун денгизни қўлга киритганингдан яхшироқдир.⁷¹

Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида:

Олий ҳиммат кишининг беҳос паст ҳиммат бўлиб алданиб қолиши балои азимдир. Висол йўлида шер чангалларига бардош беролмаган эр гўзалларининг юмшоқ панжаларини ушлашга эришолмас. Кимнинг тақдирида қийинчиликларни енгиш ёзилмаган бўлса, унга осонликча эришиш ҳам насиб бўлмас. Аллоҳнинг ҳикмати ҳам шунинг ўзгинасидир. Қилиш ва қилмаслик зарур бўлган ишларга Аллоҳ томонидан тузилган қонун-қоида ҳам шудир.⁷²

Шайх Абдулазиз Мансур 17-мақоланинг ҳикматли сўзини, олий ҳиммат кишининг беҳос паст ҳиммат бўлиб алданиб қолиши балои азимдир.

⁷¹ Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкент, 2011.-Б.31.32.

⁷² Шайх Абдулазиз Мансур. Имоми Замахшарий насиҳатлари. Ислом нури газетаси. Тошкент, 2010.-Б.22.23.

Асардаги ҳикматли сўз ундай эмас. Асардаги сўзларнинг таржимада маъно ва мазмуни ўзгариб кетган, шакли ҳам бузилган.

Рашид Зоҳид ва Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржималари аслига яқинроқ, яъни асардаги сўзлар وجه وقاحة таржимада берилган, таржималарни қиёслаганимизда қуйдаги ҳикматли сўзни ҳосил қилдик. “Юзсизлик бой бўлишнинг кўринишларидан бири ҳисобланади”. Таржимада шакл маъно ва мазмуни бузилмаган, аслига тўғри, қисқа ва лўнда.

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим Рашид Зоҳид ушбу ҳикматли сўзлар таржимаси бор. Гарчи (мешингда) бир қултум сув бўлмаса ҳам ор-номусингнинг бутун бўлиши-юздаги ҳаёнинг бир парчасидан маҳрум бўлиб, бутун денгизни қўлга киритганингдан яхшироқдир. Форсий сўз густоҳлик ўрнига нодонлик деб берилса китобхонга тушунарлироқ бўларди. Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида ушбу ҳикматли сўз берилмаган “Гарчи (мешингда) бир қултум сув бўлмаса ҳам ор-номусингнинг бутун бўлиши-юздаги ҳаёнинг бир парчасидан маҳрум бўлиб, бутун денгизни қўлга киритганингдан яхшироқдир”. Маҳкам Маҳмуд ва Назарбек Раҳим таржималарида араб тилидаги “Валлоҳиллазий” “Аллоҳга қасамки” сўзининг таржимаси берилмаган.

Маҳкам Маҳмуд ва Назарбек Раҳим асардаги “لا يزال” “завол топмоқ” феъли, ضيق الذرع “етишмовчилик” сўзлари таржима қилинмаган. Асардаги لا يزال завол топмайди сўзини “ғам-ғусса” ботқоғ сўзларига алмаштириш натижасида шакл, маъно ва мазмуни бузилган, таржимада баёнйлик акс этган.

Рашид Зоҳид таржимасида لا يزال ضيق الذرع сўзларининг маъноси берилган, яъни ҳаё эгасининг доимо қўли калта, тирикчилиги ҳаминқадар. Ҳозирги замон китобхонига “ҳаминқадар” сўзи тушунарсиз, “Ҳаминқадар” асли форсча сўз таржимада “шу қадар” дейилса мақсадга мувофиқ бўларди.

18-мақола

المقالة الثامنة عشرة

ان مع العسر يسرا

عزة النفس و بعد الهمة، الموت الاحمر والخطوب المدلهمة، و لكن من (عرف منهل) الذل فعافه،
استعذب نقيع العز وذعافه، (و من لم يصطل بحر الهيجاء لم يصل) الي برد المغنم، و من لم يصبر علي
براثن اسد اللقاء، لم يصب اطرافا كالغنم، و تحت علم الملك المطاع، ذكر السيوف والانطاع، و من لم يقض
عليه عسر يقذه، لم يقض له يسر ينقذه، و ما الحكمة الالهية الا هي، و هي القاعدة التي امر عليها العبد و
نهى، اليوم عزاء في كلف و كرب، و غدا جزاء بزلف و قرب.⁷³

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим таржимасида:

“Иззат-нафс нима дегани”

Иззат-нафс ва юксак ҳиммат-қийинчиликларда ҳам ўз нафсига ҳоким бўлиш ва қанчалик мудҳиш, даҳшатли бўлсаям зулмга қарши кўксини тугиш деганидир.

Хор, қадрсиз ва пастга урилиш, ҳақорат сувидан жирканадиган, нафратланадиган инсонга албатта иззат ва қадр-қимматнинг аччиқ суви шарбатдек ширин, мазали бўлиб туюлади. Чунки муҳорабанинг (урушнинг) оловидан жигар-бағри қовурилмаганлар, эндигина қўлга киритилган ўлжага жангчиларнинг қаҳрли панжалари олдида сабр ва сабот қила олмаганлар юмшоқ қўлли жорияларга қовуша олмайдилар. Сен тобе бўлган ҳукмдорнинг байроғи остида ўткир қиличлар ва жаллод кундаси ҳам бор.

Қийинчиликлар ва машаққатларнинг зарбасини емаганлар саодатга эриша олмайдилар.

Ҳикмати-илоҳия мана шу мувозанатдан иборат. Қул ҳақида “Буйруқ ва тақиқлаш”ларнинг асл қоидаси ҳам яна шудир. Бугун мажбурият ва машаққатларга сабр қилинади ва эртага эса эришилган мартаба ва даражаларга сазовор бўлинади.⁷⁴

Рашид Зоҳид таржимасида:

Албатта оғирликдан сўнг енгиллик келар

⁷³ محمود الزمخشري اطواق الذهب في المواعظ واخطب ص ٧٩-٨٠

⁷⁴ Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010. -Б.32 .

Қадру қиймат иззати ва ҳиммат лаззати кўзига қон тўлган ўлим, зимистон ғам-кулфат кўчасидан ўтади. Хорликни кўрган одамгина хорликдан узоқда бўлади, иззат шаробининг тотини унинг заҳарини ютган одамгина билади. Ҳарбу кураш оловида ёнмаган киши ўлжадан бебаҳра. Ҳужумкор шернинг ёвуз тирноқларига сабр қилмаган киши гўзал маъшуканинг хиноли бармоқларига етолмайди. Ҳукм фармо шоҳ туғи остида қиличларнинг тиғи ўткир, кундалар бошларга мунтазир. Кимники оғир машаққатлар оёқдан толдириб, йиқмаган экан, у ўзига суянч-нажот бўладиган енгилликдан маҳрумдир.

Илоҳий ҳикмат мана шу. Бу шундай қоидаки, шу асосга кўра яхшилик буюрилади, шу асосга кўра ёмонлик қайтарилади. Бугун – кулфатлару ғамларга сабр қилиш куни. Эрта – ибодатлару яхши амалларимиз тақдирланадиган мукофот куни.⁷⁵

Шайх Абдулазиз Мансур таржимасида:

Мардлик шундай бир улуғ хислатки, у Аллоҳнинг розилигини топишга василадир. Саховат шундай бир буюк сифатки, уни доимо мактов ила ёд этурлар. Номардлик эса шундай бир иллатки, унингдек хунук нарсани кўрмадим. Дўстлик ва биродарликка фақат саховат аҳлигина лойиқдурлар. Улар сабабли дардли диллар шифо топур ва синиқ сўнгақлар битур. Неъматлар сендан узоқлашганда улар яқинлаштирурлар, кулфатлар сенга ҳамла қилганларида улар кушойиш ато этурлар.⁷⁶

Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим 18-мақоласида, “Шарбат” деб таржима қилинган. Асарнинг аслида эса шарбат сўзи ишлатилмаган шарбат дейилгани таржимага тушмаган. Асарда “Қовушмоқ” феъли ҳам қўлланилмаган.

Рашид Зоҳид таржимасида:

⁷⁵ Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкент, 2011.-Б.37.

⁷⁶ Шайх Абдулазиз Мансур. Имоми Замахшарий насиҳатлари. Ислом нури газетаси. Тошкент, 2010. –Б.24.

Хорликни кўрган одамгина хорликдан узоқда бўлади, иззат шаробининг тотини унинг заҳарини ютган одамгина билади. Бу ҳикматли сўзда “Шароб” аслида учрамайди ва шароб шарбат сўзлари таржимага тушмаган. Ҳикматли сўзни аслини ўрганаганимиздан кейин қуйдаги таржима ҳосил бўлди: “Хорликни кўрган одамгина хорликдан узоқда бўлади, иззат ҳурматни кўрган унинг заҳарини ютган одамгина билади”.

Рашид Зоҳид “Қовушмоқ” сўзи ўрнига “Етолмайди” дегани таржимага тушади. Асардаги иборада “Қовушмоқ” маъносини англатмаяпти, балки “етолмайди” “насиб қилмайди”, маънодаги таржималарни таржимада қўлланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўрта асрларда араб тилида ижод қилган алломаларнинг ҳикматли сўзлари билан ҳам танишиб чиқдик.

ابن ابى غسان، يقول: لا تزال عالما ما كنت متعلما فاذا استغنيت كنت جاهلا.⁷⁷

Ибн Абий Ғассон айтдилар: Агар илмда бардавом бўлсанг- олимсан, тўхтаб қолсанг- нодонсан.

⁷⁷ ابى عمر يوسف بن عبدالله النمري القرطبي. جامع بيان العلم و فضله. ص ۱۹. (الجز الاول). ۲۰۰۳م. بيروت.

Хулоса

“Атвоқ уз-заҳаб” фи-л-маваъиз ва-л-хутаб” яъни “Насихат ва хутбаларнинг олтин шодалари” номи билан дуёга машҳур бўлган бу асар Шарқ бадий тафаккури намунаси. Асарнинг асл нусхасида ҳикматли сўзлар мақолаларга бўлиниб берилган. Бироқ кейинги нашрларда ҳар бир мақола номланган.

Тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, Фозил Зоҳид, Шайх Абдулазиз Мансур “Қалоиду-л-адаб фи шарҳи” “Атвоқ уз-заҳаб” билан Мисрнинг “Тамаддун” нашириётида, 1910 йилда “Ас-Саодат” матбаасида, 1925 йилда яна қайтадан “Ал-Маҳмудия” нашириётида тижорат наشري сифатида босмадан чиққан.

Аҳмад Абдуттаввоб Аваз ўз таҳқиқида қуйидаги услубларни қўллаганига ишора қилади.

- 1) Нусхалар ўртасидаги хилма-хилликларни киёслаб, фарқларини ҳошияда кўрсатиб борган;
- 2) Ҳар бир мақолага ном қўйган;
- 3) Ёпиқ, тушунилиши оғир сўзларини рақамлаб, матн остида луғати изоҳланган.

Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий XI асрнинг охири ва XII асрнинг бошларида яшаб ижод қилган буюк тилшунос, адабиётшунос бўлиб, фаннинг кўплаб соҳаларини чуқур эгаллаган қомусий олим эди. У «Жоруллоҳ» “Аллоҳнинг қўшниси”, «Раису-л-афозил» “Фозилларнинг раиси”, «Фахру Хваразм» “Хоразм фаҳри”, «Устозу-л-араб ва-л-ажам» “Араблар ва араб бўлмаган миллатларнинг устози” каби шарафли номларга сазовор бўлган.

Буюк мутафаккир тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илм ал-қироатга оид жуда кўп асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Маҳмуд Замахшарий инсоният илми хазинасига “Асосу-л-балоғ” “Чечанлик пойдевори”,

“Атвоқуз-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб”, “Ўғит ва насихатларнинг олтин шодалари”, “Муқаддамату-л-адаб” Нафис сўз илмига кириш”, “Рабиъу-л-аброр ва нусусу-л-ахбор” “Тақвадорлар баҳори ва фозиллар ахбори”, “Ал-фоик фи ғариби-л-ҳадис” “Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар”, “Ал-Кашшоф ан ҳақаиқи-т-танзил ва уюни-л-ақовил фи вужуҳи-т-таъвил” , “ Қуръондаги берк ҳақиқатларни уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очгич”, “Ал-муфассал фи санъати-л-иъроб” “Иъроб санъати ҳақида муфассал китоб”, “Мақомату-з-Замахшарий”, “ Замахшарий мақомотлари” каби 70 дан ортиқ қимматбаҳо асарларни қўшди.

Маҳмуд Замахшарий илмий меросидаги асарлар орасида “Атвоқуз-заҳаб” асари алоҳида ўринни эгаллайди. Асарнинг илмий аҳамияти юқорилиги сабабли бизнинг давримизга қадар кўплаб нодир қўлёзма нусхалар шаклида кўчирилган. Маълумки, асарнинг луғат-сўзли, ҳикматли сўзлар шериятнинг “назм” услубига бағишланган бўлиб, бу қисмлар алоҳида мустақил асарлар сифатида шакллантирилганлиги сабабли айрим асарлар сифатида ҳам кўчирилган. Жумладан, луғат сўзлик қисмининг дунё фондларида аниқланган 70 та қўлёзмаси мавжуд. Дунё қўлёзма фондларида сақланаётган кўп сонли қўлёзмалар далил бўла олади.

Адаб илми араб адабиёти заминида ҳосил бўлган кенг камровли билимлар мажмуаси сифатида шаклланган. Унинг шаклланишига Ибн ал-Муқаффаъ, ал-Жоҳиз каби араб адиблари катта ҳисса қўшганлар. Жумладан, Ибн ал-Муқаффаънинг “Ал-Адаб ал-кабир” (“Катта адаб”), “Ал-Адаб ас-сағир” (“Кичик адаб”), ал-Жоҳизнинг ўнга яқин нодир асарлари адаб илми бўйича ёзилган нодир манбалар саналади.

Ўрта асрларда араб маданияти тарқалган ҳудудларда адаб илми остида инсоннинг маънавий, илмий нуқтаи назардан тўлиқ шаклланишига хизмат қиладиган билимлар мажмуи тушунилган. Унинг таркибига ҳозирги тушунчамиздаги адабиёт, тилшунослик, луғатшунослик ҳамда қатор ижтимоий-гуманитар ва табиий фанларнинг соҳалари киритилган.

Маҳмуд Замахшарий ҳам арабийзабон адабиёт жумладан, адаб илми ривожига катта ҳисса қўшган. Унинг “Атвоқ уз-заҳаб” асари Марказий Осиё ва ёндош мамлакатларда адиб-зиёли, илмли, комил инсоннинг шаклланишига ҳисса қўша оладиган даражадаги асардир.

“Атвоқ уз-заҳаб” таркибига киритилган мавзулар доираси жуда кенг. Бу мавзулар турли фан соҳаларини ўз ичига олади. Уларнинг қисқача тафсифлари диссертациянинг иккинчи боби биринчи фаслида берилган. Мавзу доираси адаб илми мазмунига яқин бўлган айрим фасллардаги сўзларнинг илмий таҳлилига мурожат этамиз.

Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёт йўли ва ижодига назар ташлар эканмиз, унинг ўзи ҳам маданиятли, саводхон бўлиш учун интилгани, мактаб ва мадрасада, машҳур олимлар қўлида билим олганини кўрамиз. Натижада, у маданиятли ва саводхон маъносидагина эмас, балки адаб илмлари мавзуларида асарлар яратгани учун ёзувчи – адиб сифатида ҳам ном қолдиради. “Адабга кириш”нинг аҳамияти ва зарурлигини Замахшарий мадрасада ўқиб юрган кезларидаёқ сезган, лекин асарни тузиш ишига ўзи ҳам шогирдларга эга бўлган вақтда киришган, шунинг учун ҳам у “бу китоб ўқувчиларнинг қалбларидан ўрин олишга муваффақ бўлган .”

Маҳмуд Замахшарий ўз асарида даврининг мавжуд барча фан соҳалари бўйича етарли даражадаги сўз, истилоҳларни киритишга ҳаракат қилган. Олим яшаган даврда араб тили асосий илмий, давлат тили бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Китоб ва мақолалар

1. Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч.- Тошкент, “Маънавият” 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар тўплами, Т.6. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. –Тошкент, Ўзбекистон, 1998.- Б.32.
4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. т.,2. Тошкент, 1997. -606 в.
5. Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане в X-XII вв. Тошкент, 1984.
6. Арабские рукописи Института востоковедения АН СССР. Т. II – Москва.: Наука, 1986. Т.И. – 526 с., 335с.
7. Баранов Х. К. Арабско-русский словарь. – М.: 1989. – 942 с.
8. Бартольд В. В. Соч. Т . V I I I. – М.: 1968. – С. 465-468.
9. Бельчиков Н. Ф. Литературное источниковедение. – Москва.: Наука, 1983. – 272 с.
10. Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тefsира XII – XIII вв. – Москва.: 1963. – 367 с.
11. Буниятов З. М. Государство хорезмшахов Ануштегинидов. Москва, Наука, 1986.-247с.
12. Вопросы восточного литературоведения и текстологии. Москва. Наука, 1975.-244с.
13. Гибб Х. А. Р. Арабская литература. Классический период. – Москва.: Наука, 1961.

14. Ибрагимов Н.И. Позднесредневековый арабский книжный эпос. – Тошкент,.: Фан, 1994.
15. Ибрагимов Н.И. Арабский народный роман. – Москва.: Наука, 1984.
16. Ибрагимов Н. И. Ўрта аср араб халқ адабиёти. – Тошкент,.: Фан, 1994.
17. Каталог арабских рукописей Института истории, языка и литературы Дагестанского филиала АН СССР. Москва, 1977. -90 с.
18. Каталог восточных рукописей Академии наук. Таджикской ССР. Душанбе. 1983. -370с.
19. Лихачев Д.С. Текстология, Ленинград, 1983. -608 с.
20. Маънавият юлдузлари. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи М. Хайруллаев. Тошкент, 1999. - 270 в.
21. Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У. Уватов, Тошкент, 1992.
22. Маҳмудов Қ. XIII – XIV аср ёзма обидалари тилининг фонетик системаси. Тошкент, Фан, 1990. -226в.
23. Мец А. Мусульманский ренессанс. Пер. С нем.,предисл., библиография и указ. Бертельса Д.Е. Москва, Наука, 1966.
24. Мухтаров Т.А., Саттиев Л.И., Шамусаров Ш.Г., Очерки средневековой арабской прозы. Ташкент, 1992. -235с.
25. Мухтаров Т.А. Новелла в классической арабской литературе. Ташкент. 2002. -190 с.
26. Оқилов М. Замахшарийнинг қўлёзма ва босма нусхалари. Адабий мерос, Тошкент, 1982. – С.56-60.
27. Рустамов А. Маҳмуд аз-Замахшарий. Тошкент, Фан, 1971. -32 в.
28. Собрание восточных рукописей АН УзССР. т. И. Ташкент, 1952. - 436 с.

29. Синхронические таблицы хиджры и европейского летоисчисления. М.-Л., 1961.-235 с.
30. Фильштинский И. М. Арабская литература VIII-IX вв. Москва, Наука, 1965. -255 с.
31. Фролов Д. В. Проблемы исторической поэтики литератур Востока. Москва, Наука, 1988. -264 с.
32. Халидов Б. З. Замахшари. Семитские языки, Издание 2-е, Москва, Наука, 1965. –С.542-556.
33. Маҳкам Маҳмуд, Назарбек Раҳим. Олтин шодалар. Тошкент, 2010.-Б.10-50.
34. Рашид Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёҳуд 101 манзума. Тошкент, 2011.-Б.15-60.
35. Шайх Абдулазиз Мансур. “Ислом нури” газетаси. Тошкент, 2010.-Б.2-20.
36. А. Қаххоров. “Китабул- ҳайван” масал-жанри. Тошкент,1992.-Б.25-30.
37. “Қалоид ул-адаб” Аштиёний. Миср. 1920.-Б.25-30.
38. К.Ф.Н. Оқилов.М. Замахшар и его сочинения “Атвоқ уз-заҳаб”. Автореферат. Дисс. Москва. 1983.-150 с.
39. Исломов. З. Олтин шодалар силсиласидаги асарлари. Шарқ халқлари адабиётининг нодир манбалари. “Шарқ халқлари адабиётининг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция. –Тошкент.: ТошДШИ, 2010.-Б. 59-63.
40. Ҳикматли манба силсиласи. “Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2010. №2 -109-111.
41. “Атвоқ уз-заҳаб” силсиласидаги асарларининг ислом манбашунослигидаги ўрни. ТИУ илмий таҳлилий ахбороти. Тошкент, 2010. №3.

42. Хоразмлик буюк аллома (академик М.М.Хайруллаев таҳрири асосида.) Тошкент. 1998.Б.20-23.

43. Ғ.Саломов. Таржима назарияси асослари. Тошкент,1983. -Б.46.

42. А.В.Федоров, Введение в теорию перевода, Изд-во лит.на иностр яз, М.1953,стр 25.

43. Ж. Жўраев. Хоразм осмонида учар юлдуз. Сирли олам.- Тошкент, 2002.-№2.-Б.16-17.

44. ابي عمر يوسف بن عبدالله النمري القرطبي. جامع بيان العلم و فضله.ص ١٩. (الجز الاول). ٢٠٠٣م. بيروت.

45. Интернет сайтлари:

"<http://www.almeshkat.com>"

"<http://www.islom.uz>"

"<http://www.ziyo.uz>"

"<http://www.wikipediya.com>"

"<http://www.google.com>"

"<http://www.tashgiv.uz>"